

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

№ 37 (1216)

2019 йил 26 сентябрь

Газета 1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

@bank_axborotnomasi

Сайтимизга ўтиш учун QR коддини телефонингиз орқали сканер қилинг



ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Марказий банк Самарқанд вилоятида сайёр қабул ўтказди



2019 йил 20 сентябрь куни Марказий банк ва тижорат банклари раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳ Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида сайёр қабул ўтказди.

Тадбирда 151 дан ортиқ фуқаролар, жумладан, тадбиркорлар, омонатчилар ва бошқа банк хизматлари истеъмолчилари иштирок этдилар.

Сайёр қабул давомида кўтарилган масалалар юзасидан тегишли топшириқлар берилди ҳамда уларни бажариш муддатлари белгиланди. Шу билан бирга, имтиёзли кредитлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

cbu.uz

Тадбиркор муаммолари ҳал этилмоқда

Самарқанд вилоятида "Асака" акциядорлик тижорат банки Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Суръат Зокиров тадбиркорлар билан сайёр қабул ўтказди.

Учрашувда С.Зокиров хизмат кўрсатиш ва банк хизматларига оид турли долзарб саволларга жавоб берди. Банк доимо мижозлар учун очиқлиги ва уларга хизмат кўрсатиш, оғриқли муаммоларни ҳал қилиш, юзага келаётган масалаларга ечим топишда мижозларни қўллаб-қувватлашдан манфаатдор эканини қайд этди. Банк томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, улар учун берилётган имтиёз ва энгилликлар ҳақида маълумот берди.

Қабулда банк мижози бўлган 30 га яқин тадбиркор фаолиятини кенгайтириш, замонавий технологиялар харид қилиш учун кредит олиш, ажратилган кредитлар учун фоиз тўловларида энгиллик бериш масалалари юзасидан муурожаат қилди.

Жумладан, Самарқанд шаҳридаги "Чўпонота парранда" масъулияти чекланган жамияти масъул ходими А.Фузайлов корхонага хориждан замонавий технология харид қилиш учун банкдан 325 минг евро миқдорда кредит олиш масаласида ёрдам сўради.

Банк бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари ушбу муурожаат юзасидан банк томонидан таклиф этилаётган хорижий линиялар юзасидан маълумотлар бериб ўтди.

Умуман, сайёр қабул чоғида билдирилган ҳар бир муурожаатни қисқа фурсатда кўриб чиқиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

finance.uz

ТАДБИР

КУННИНГ ДОЛЗАРБ МАВЗУСИ

Ҳар бир соҳада ҳалоллик, ўз вазифасига виждонан ёндашиш бугуннинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда. Айниқса, шу кунларда банк тизимида хизмат ваколатидан ўз манфаати йўлида фойдаланиб, эл-юрт ичида юзи шувут бўлаётганлар ҳақидаги воқеа-ҳодисалар тарқалаётганда.

Бу каби нохушликларнинг олдини олиш мақсадида яқинда "Ипотека-банк" АТИБ Бош офисида тизимда жиноятчилик ҳолатлари юзага келиб чиқишини, шу жумладан, коррупцияни, тамагирлик, порахўрлик, мансаб ваколатларини суи-истеъмол қилиш ва бошқа салбий ҳолатларни олдини олиш ҳамда қонун ҳужжатларининг талаблари борасидаги билим ва кўникмаларини ошириш юзасидан "Коррупция – тараққиёт кушандаси" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси академияси вакили, катта прокурор Худойберди Турсунбеков банк



раҳбар ва ходимларини мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 3 январдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қарори, 2019 йил 22 майдаги "Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан яқиндан таништириб, ўрнатилган тартиб ва қоидаларга амал қилинишини таъминлаш ҳақида нутқ сўзлади. Худойберди Турсунбеков республикаимиз банк ти-

зимизда содир этилаётган қонунбузарликлар, жумладан, бир қатор тижорат банклари раҳбар ходимлари ва мутахассислари томонидан уюшган жиноятчилик гуруҳлари ташкил этилганлиги ва улар томонидан содир этилган бир қатор жиноятлар тўғрисида маълумотлар бериб, бу каби қинғир ишлар оқибатида банк ходими нафақат ўзига ва оиласига жиддий зиён етказиши билан бирга, жамиятга ҳам катта зарар келтиришини таъкидлаб ўтди.

(Давоми 2-саҳифада)

ҚАРОР ВА ИЖРО

"ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК": ЭКСПОРТЧИЛАРИМИЗ СОНИ ОРТМОҚДА



Яқинда "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ раҳбарияти ва ОАВ вакиллари иштирокида бўлиб ўтган анжуманда "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида банк томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Сўнги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)



"ТУРОНБАНК" ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ

→ 3



КРЕДИТ ТАЪМИНОТИДА КАФИЛЛИКНИНГ ТУТГАН РОЛИ

→ 8



HUAWEI GOOGLE ТИЗИМИСИЗ ЯНГИ ТЕЛЕФОН ИШЛАБ ЧИҚАРА БОШЛАДИ

→ 10

(Бошланиши 1-саҳифада)

Шунингдек, тадбирда "Ипотека-банк" АТИБ Юридик департамент директори Хумоюн Муродов сўзга чиқиб, "Ипотека-банк" АТИБ Бош офиси ва филиалларидаги таркибий бўлинмалар иш фаолиятига ижобий баҳо бериб, банк тизимида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ходимларнинг кийиниш ва муомала маданияти талабларига риоя этиши, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини янада юқори даражага чиқариш ҳамда банк хизматларини кўрсатишда янада қулай шарт-шароитлар яратиш лозимлигини таъкидлади.

Шунингдек, у ўз сўзида банк тизимида тартиб ва интизомни сусайиши оқибатида банк ходимининг онгида ҳосил бўлган бўшлиқни тамағирлик, порахўрлик ва коррупциянинг бошқа кўринишдаги иллатлар эгаллаши, бу эса банк нуфузига пур етказиши билан бирга, ходимнинг ўзи ва оиласига ҳам жиддий салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини алоҳида қайд этди.

Семинарда банк ходимлари ўз билим ва кўникмаларини такомиллаштиришлари, мижозларга юқори даражадаги банк хизматлари кўрсатишлари эришишлари ҳамда банк ходимларининг ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, каби иллатлардан йироқ бўлиши таъкидланди.

Тадбир давомида Республика Адлия вазирлиги масъул ходими Зафар Раҳмонов сўзга чиқиб, ҳозирги кунда вазирлик томонидан коррупцияга қарши курашиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини маълум қилди. Бу борада, Вазирликда ишонч телефони ташкил этилганлиги ва унга республикамизнинг турли шаҳар ва

КУННИНГ ДОЛЗАРБ МАВЗУСИ



қишлоқларидаги фуқаролардан мурожаатлар келиб тушаётганлиги ва уларнинг барчаси ички ишлар ходимлари томонидан пухта ўрганилиб, ўз ечимини топаётганлиги, қонунга хилоф ишларга қўл ураётган шахсларга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилаётганлигини таъкидлади.

Шу билан бирга, 2018-2019 йил давомида банк ходимлари томонидан содир этилган қонунбузарликлар, яъни коррупция, ўзгани мулкани талон-торож қилиш, порахўрлик, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, мансаб сохтакорлиги ва бошқа жиноятлар натижасида давлатга етказилган моддий зарар, айбдор деб топилган банк ходимларига нисбатан қўзғатилган жиноят ишлари ва бошқа статистик маълумотлар ҳақида сўз юритди.

Шунингдек, З.Раҳмонов томонидан коррупцияни олдини олиш учун мамлакатимизда олиб борилаётган чора-тадбирлар, шу муносабат билан қайта кўриб чиқилаётган қонун

ва қонуности ҳужжатлар, мансабдор шахслар томонидан манфаатлар тўқнашуви ва зиддиятли ҳолатларга тушиб қолмасликлари учун олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида тўхталиди.

Семинарда "Ипотека-банк" АТИБ Ички назорат департаменти бўлим бошлиғи Элмурод Мирзаев сўзга чиқиб, коррупцияни олдини олиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан ПҚ-2752-сонли Қарор ижросини таъминлаш мақсадида ташкилотларда коррупция вужудга келишини минималлаштириш ва олдини олишнинг ижросини таъминлаш бўйича Комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилганини таъкидлади. У мазкур чора-тадбирлар ижроси юзасидан "Ипотека-банк" АТИБ тизимида коррупцияни олдини олиш комиссияси тuzилганлиги ҳамда ушбу комиссия томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар тўғрисида семинар иштирокчиларига маълум қилди.

Шунингдек, Э.Мирзаев Банк бошқаруви раиси томонидан ўтказилган қабулларда фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ҳақида ҳам маълумот берди. Тушган мурожаатларнинг аксарияти кредит ажратиш тартиби, банкда ҳисобварақ очиш, омонат ва пластик ҳисобварақдаги маблағларидан фойдаланиш, ҳисобварақдан пул маблағларини эркин тасарруф этиш масаласи бўлиб, кўп масалалар жойида ҳал қилингани таъкидланди.

Тадбир давомида банк ходимлари иш фаолияти жараёнида ўз лавозим йўриқномаларида белгиланган вазифаларга риоя қилиши ва хизмат ваколатларидан четга чиқмаслиги, шунингдек, ҳар бир банк ходими банкнинг ички меҳнат тартиби қоидаларига, жумладан, иш вақтида ўз иш жойида бўлиши, хизмат сафари давомида амалдаги қонунчилик талаблари ва одоҳлоқ қоидаларига риоя қилиниши таъкидланди. Хусусан, банк ходимнинг касб одоҳ-ахлоқи Кодексига мувофиқ кийиниши, ўзининг тутиши, ҳамкасабалари ва мижозларига нисбатан хушмуомала бўлиши лозимлигини қайд этилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга қора доғ бўлиб тушаётган коррупция иллати бу, нафақат бир ташкилот ёки корхонанинг, балки бутун жамият, халқ фаровонлигига салбий таъсир кўрсатувчи кучдир. Шундай экан, унга қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг бурчи саналади. "Ипотека-банк" да ўтказилган мазкур тадбир юқоридаги ноҳушликларнинг олди олинишида хайрли бир тадбир бўлган бўлса ажабмас.

Умида Худойберганава

САЙЁР ҚАБУЛЛАР

ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР САМАРАСИ

Маълумки, бир неча ойдан буён "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан ҳудудларда аҳоли ва тадбиркорлар учун сайёр учрашувлар ташкил этилмоқда. Мазкур очиқ мулоқотларда банк раҳбариятининг иштироки банк учун ҳам, тадбиркорлар учун ҳам самарали кечиб, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги кўплаб бюрократик тўсиқлар бартараф этилаётганини алоҳида қайд этиш жоиз.



Навбатдаги ана шундай сермахсул учрашув Тошкент шаҳрида Банкнинг Яшнобод филиалида бўлиб ўтди. Унда банк раҳбарияти, банкнинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали ҳамда унинг тасарруфидаги барча филиал масъуллари ва тад-

биркорлар иштирок этди. Юртимизда давлатимиз раҳбари бошчилигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг барча шакллари ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсати амалга оширилмоқда. Президент-

мизнинг жорий йил 13 августдаги "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида"ги фармонида ҳам бу борада яна қатор муҳим вазифалар белгиланди.

Пойтахт аҳолиси ҳамда тадбиркорлар иштирокида ташкил этилган сайёр учрашувда дастлаб ушбу фармон мазмун-моҳияти, унинг ижроси юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида ахборот берилди.

Бу борада Банк Бошқаруви раисининг би-

ринчи ўринбосари Сахи Аннакличев сўз юритиб, "Ўзсаноатқурилишбанк" тизимида тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришда олиб борилаётган ишларни аниқ мисоллар ва кўрсаткичлар доирасида ифодалади.

Учрашувда Кўзи ожизлар жамиятига қарашли "Чўтка ўқув ишлаб чиқариш" корхонасининг ичимлик сувини қайта ишлаб, маъданли сув ишлаб чиқариш, "Лотус Голд" корхонасининг савдони молиялаштириш йўналишида хорижий кредит линияларидан фойдаланиш, "Barghinoy-Toshkent" корхонасининг айланма маблағларни тўлдириш масалалари кўрилди ва қисқа муддатда ўрнатилган тартибда ҳал қилинишига келишилди.

Қайд этиш жоизки, Банк раҳбарияти иштирокидаги бундай учрашувлар шу куннинг ўзида Фарғона, Наманган, Тошкент вилоятларида ҳам ташкил этилди. Мазкур тадбирларда 200 га яқин тадбиркор қатнашиб, улар ўз муаммоларини ҳал қилиш бўлаберида банк томонидан яратилаётган янги хизматлар билан ҳам танишиш имконига эга бўлдилар.

Очиқ мулоқот шаклида ўтган тадбир давомида тадбиркорларнинг ўз фаолиятларини янада ривожлантириш бўйича муаммо ва тақлифлари ҳам тингланди. Мурожаатларнинг аксарияти жойида ҳал этилган бўлса, қўшимча ўрганилиши лозим деб топилган масалалар филиал-

Эъзога КАМОЛОВА

“ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК”: ЭКСПОРТЧИЛАРИМИЗ СОНИ ОРТМОҚДА



(Бошланиши 1-саҳифада)

Хусусан, “Ҳар бир оила – тадбиркор” давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши ҳамда Президентимизнинг “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг эълон қилиниши тадбиркорлар сонининг ортишига, минглаб янги иш ўринлари яратилишига, қисқа қилиб айтганда, аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилаётир.

Тадбирда таъкидланишича, қарор ижросини таъминлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида, “Қишлоқ қурилиш банк” Бошқарувида Тадбиркорликни ривожлантириш махсус бошқармаси ва банк филиалларида унинг бўлимлари ташкил этилди. Айтиш мумкин, мазкур бўлимлар томонидан худудларда сезиларли ишлар қилинмоқда.

Жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолини ишбилармонликка кенг жалб қилиш борасида республикамизнинг барча шаҳар ва туманларидаги маҳаллаларда учрашувлар ташкил қилиниб, аҳоли хонадонларига ҳам ташриф буюрилди. Бу эса ўз навбатида, дастур доирасида кредит олиш иштиёқида бўлган ташаббускорларнинг сонининг ортишига замин яратди.

Маълумотларга кўра, шу давргача банкка ажратилган ресурс маблағ, яъни 366,5 млрд. сўм тўлиқ ўзлаштирилиб, 18460 нафар оиланинг лойиҳалари молиявий қўллаб-қувватланди. Хусусан: насли қорамол сотиб олиш учун 4 513 та оилага 99,4 млрд. сўм, қўйчилик учун 1715 та оилага 32,1 млрд. сўм; қуёнчилик учун 200 та оилага 4,5 млрд. сўм; асаларичилик учун 694 та оилага 16,7 млрд. сўм; паррандачилик учун 1323 та оилага 25,2 млрд. сўм ажратилган. Бундан ташқари, балиқчилик, иссиқхона ташкил қилиш, тикувчилик, хунармандчилик, қандолатчилик ва бошқа тадбиркорлик фаолиятларига ҳам бир қатор микрокредитлар берилди.

– Ажратилган маблағларнинг аксарияти ўз самарасини бермоқда, – дейди “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Мироз Эгамбердиев. – Айниқса, қуёнчилик борасидаги лойиҳаларимиз мақташга арзиғулик. Жумладан, сирдарёлик якка тартибдаги тадбиркор Илҳом Сулаймоновга банкимиз томонидан “Ҳар бир оила – тадбиркор” давлат дастури доирасида қуён гўшти етиштириш учун 99 млн. сўм маблағ ажратиб берилган эди. Тадбиркорнинг уддабуронлиги сабаб, бугунги кунда у парваришлаган қуёнларнинг гўшти ва териси Россияга экспорт қилинмоқда. Худди шундай лойиҳалардан яна бири марғилонлик Икром Мирзаевга тегишлидир. Унга ҳам дастур доирасида 200 млн. сўм берилган. Бу маблағга тадбиркор пойабзал ишлаб чиқариш ускунасини харид қилиб, ўз бизнесини йўлга қўйди. Айни дамда унинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ички бозоримизда хариддорларга Албатта, бу билан барча лойиҳалар ўз вақтида тўлиқ амалга ошапти демоқчи эмасмиз. Гуруч курмакисиз бўлмаганидек, маблағларни мақсадсиз ишлатаётганлар ҳам йўқ эмас. Шу боис, доимий равишда худудларга чиқиб, кредитларнинг мақсадли ишлатилиши буйича назорат ишлари олиб борилапти, лойиҳаларнинг бажарилиши ҳамда кредит тўловларнинг ўз вақтида қайтариш чоралари кўриломоқда.

Анжуман давомида “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ томонидан “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида белгиланган навбатдаги вазифалар ҳамда банк фаолиятининг келгусидаги асосий йўналишлари буйича маълумотлар берилди.

Рустам ПЎЛАТОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги Қарорига ҳамда 2019 йил 7 мартдаги “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан банк томонидан жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектларига 2019 йил 1 сентябрь ҳолатига жами 154,3 млрд. сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

“ТУРОНБАНК” ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ



Шундан, 2019 йил давомида 134,2 млрд. сўмлик кредит маблағлари йўналтирилди. Хусусан, 272 та тадбиркорлик субъектларига жами 47,3 млрд. сўм миқдорда, 6 295 та жисмоний шахсларга жами 107 млрд. сўм, шундан 3 042 таси кам таъминланган оилаларга жами 19,9 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилган. Натижада қарийб 6,2 мингта иш ўрни яратилди.

Тошкент шаҳрида фаолият юритувчи Саодат Қаҳҳарова кўп йиллардан буён тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келади. “Туронбанк”нинг доимий мижози бўлган Саодат банк ходимларининг таклифи билан шу йилнинг июнь ойида 30 млн. сўм миқдорда 3 йил муддатга 8 фоизли кредит олди. Тўй-ҳашамларни безатиш, келинларнинг никоҳ куйлаклари тикиш каби халқимизнинг шодиёна кунларини хурсандчикка тўлдиришда ўз хиссасини қўшаётган тадбиркор банкдан олган кредитлари эвазига ўз оилавий бизнесини янада ривожлантиришга эришди.



– Банкнинг бу каби тезкор ва сифатли ишлашига аввалига ишонмагандим. Бизнес режам ва керакли ҳужжатларни тайёрлаб банкка топширганимдан сўнг ордан бир ҳафта ўтиб, керакли маблағ ажратилди. Бундай сифатли ва тезкор ҳамда маданиятли фаолияти учун банк ходимларидан жуда миннатдорман, – дейди Саодат Қаҳҳарова. – Яна кредитнинг 6 ойлик имтиёзли давр асосида берилиши тадбир-

корларга жуда қўл келаркан. Чунки янги иш бошлаган тадбиркор дарров бизнестан фойда ололмайди. 6 ойлик муддат эса тадбиркорга анча қулайликлар яратади, – дейди тадбиркор.

Саодат Қаҳҳарова ўз бизнесини ривожлантириб, эндиликда фирмаларнинг логотиплари туширилган турли кийим-кечакларни ҳам тикишни йўлга қўйган.

Шу билан бирга, жорий йилда “Туронбанк” раҳбарияти томонидан тадбиркорларни кенг қўллаб-қувватлаш мақсадида Навоий вилоятининг барча туманларида сайёр қабуллар ташкил этилди. Тадбиркорлар ва аҳоли иштирокида юзма-юз ўтказилган сайёр қабулларда “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида имтиёзли кредитлар олишда дуч келаётган айрим муаммолар, турли тўсиқлар жойида ҳал этилиб, муҳокамага ва ўрганиб чиқишга муҳтож мурожаатлар эса тегишли банк мутахассислари томонидан назоратга олинди.

Шунингдек Банк томонидан банк ходимларининг иш фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда мижозларга сифатли хизматлар кўрсатиш мақсадида турли ўқув машғулоти ҳам ташкил этилганки, бу банкнинг келгусида намунавий банкларнинг бирига айланишига замин яратади.

Ушбу машғулотлар банк раҳбар ва ходимларининг билим, кўникма ва ишга янги замонавий ёндашувларини шакллантирмоқда. Олган билимларни ҳаётга татбиқ этиш борасида ҳам қатор ишлар қилинмоқда. Аҳолининг банк билан муносабатларини ривожлантириш мақсадида банк томонидан аҳоли ўртасида ҳам турли ўқув машғулоти ташкил этилмоқда. Учрашув шаклидаги бу машғулотларда мижоз билан банк ўртасида ўзаро ишонч пайдо бўлиши билан бирга уларнинг молиявий саводхонлиги ҳам ошмоқда.

“Туронбанк” АТБ томонидан амалга оширилаётган ишларга назар ташласак, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, уларнинг ўз хонадонларида ўз бизнесларини бошлашлари, рўзгорини обод этиб, даромадга эга бўлишига молиявий қўмак берилётганлиги тахсинга лойикдир.

Банк Ахборот хизмати

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИ ҚАЙСИ БАНКДА ЮҚОРИ?

Ўзбекистон Республикаси банклари Ассоциацияси, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк ҳамда "Ahbor-Reyting" Рейтинг агентлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 ноябрдаги мажлиси баёни № 21863-хх, 20-банди ижросини бажариш мақсадида 2019 йилнинг июль-август ойларида, тижорат банкларининг миқозларга хизмат кўрсатиш сифатини ўрганиш мақсадида сўровнома ўтказди.



Унда 1549 та тадбиркорлик субъекти иштирок этди. Уларнинг сони жорий йилнинг биринчи чорагига нисбатан 5,7% кўпдир. Сўровномада қатнашган респондентларнинг 517 таси ишлаб чиқариш, 466 таси қурилиш, 279 таси савдо, 208 таси хизмат кўрсатиш, 35 таси қишлоқ хўжалиги, 16 таси умумий овқатланиш тармоқларида фаолият юрताди.

Тижорат банклари тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифати рейтингини бўйича, жами қатнашган респондентларнинг 23,2% банк жойлашувини яқинлиги, 17,9% та-

нишларнинг тавсиясига кўра, 15,3% банкнинг рейтингини юқорилиги, 14,2% паст фоизли кредитлар, 16,4% сифатли хизмат кўрсатилиши ва 8,8% юқори фоизли депозитлар ва бошқа сабабларга кўра банкни танлаганини баён қилган.

Шу билан бирга, респондентларнинг 71,9 фоизи банкларни иш вақтидан қониқмаслигини таъкидлашган бўлса, 5 фоизи банк ходимлари муомала маданиятига ва 3,4 фоизи уларни ташқи кўринишига қониқарсиз баҳо беришган.

2019 йил 2-чорак якунлари бўйича Тижорат банкларининг тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини аниқлаш учун ўтказилган таҳлил натижалари

№	Банклар рўйхати	Сўров натижаларининг жами баллари (юқориси 65)	Сифат даражаси бўйича баллар (юқориси 10)	Сифат кўрсаткичи бўйича баллар (юқориси 10)	Жами (юқориси 100)
1	Чет эл капитали иштирокидаги "Namkorbank" акциядорлик тижорат банки.	51,02	21,4	8,07	80,49
2	"Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки.	49,65	20,29	7,98	77,92
3	"Асака" акциядорлик тижорат банки.	51,01	19,5	6,52	77,03
4	Чет эл капитали иштирокидаги "Савдогар" акциядорлик тижорат банки.	54,77	14,9	7,1	76,77
5	Акциядорлик тижорат Халқ банки	47,82	21,25	6,67	75,74
6	"Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки.	49,83	17,61	7,3	74,74
7	"Ўзбекистон саноат-қурилиш банки" акциядорлик тижорат банки.	48,97	17,14	8,53	74,64
8	"Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки.	47,94	20,78	5,91	74,63
9	"Ravnaq-bank" хусусий акциядорлик-тижорат банки.	62,64	5,07	6,66	74,37
10	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.	48,23	18,53	7,46	74,22
11	"Агробанк" акциядорлик тижорат банки.	48,02	20,07	5,74	73,83
12	"Invest Finance Bank" хусусий акциядорлик тижорат банки.	49,75	16,03	6,96	72,74
13	"Orient Finans" хусусий акциядорлик тижорат банки.	50,01	12,67	8,99	71,67
14	"Туронбанк" акциядорлик тижорат банки.	48,87	15,25	7,08	71,2
15	"Капиталбанк" акциядорлик тижорат банки.	51,12	10,82	9,09	71,03
16	Акциядорлик тижорат "Алоқабанк".	49,01	15,14	6,74	70,89
17	"Ипак Йўли" акциядорлик инновация тижорат банки.	48,24	15,14	7,26	70,64
18	"ASIA ALLIANCE BANK" акциядорлик тижорат банки.	52,16	11,65	6,71	70,52
19	"Трастбанк" хусусий акциядорлик банки.	47,45	13,54	7,44	68,43
20	"Давр Банк" хусусий акциядорлик-тижорат банки.	48,16	7,07	6,96	62,19
21	Хусусий акциядорлик-тижорат банки "Универсал банк".	45,34	10,75	5,38	61,47
22	"Туркистон" хусусий акциядорлик тижорат банки.	47,86	5,14	6,45	59,45
23	"ҚДБ Банк Ўзбекистон" акциядорлик жамияти.	43,52	8,08	5,76	57,36
24	"Мадад Инвест Банк" хусусий акциядорлик тижорат банки.	0	11,36	5,43	16,79
25	"HI-TECH BANK" хусусий акциядорлик тижорат банки.	0	3,36	7,69	11,05
26	"Ўзагроэксспортбанк" акциядорлик тижорат банки.	0	2,93	6,18	9,11
27	"Ziraat Bank Uzbekistan" акциядорлик жамияти.	0	3,79	4,93	8,72
28	Эрон "Содерот" банкнинг Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги шўъба банки.	0	2,57	5,35	7,92

"Ahbor-Reyting" Рейтинг агентлиги

FINANCEUZ хабар қилади

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Жорий йилнинг 16-21 сентябрь кунлари "Траст-банк" хусусий акциядорлик банки Бошқаруви раиси Сардор Нормухамедов бошчилигидаги делегацияси Австрия ва Германия Федератив Республикаларига расмий ташриф буюриб, савдони молиялаштиришни ривожлантириш ва узоқ муддатли кредит линияларини жалб қилиш борасидаги ҳамкорлик битими доирасида молиялаштириш лимитини ошириш масалаларини муҳокама қилди.



Мазкур ташриф давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" тўғрисидаги Фармони ҳамда 2018 йилнинг 20 декабрдаги ПҚ-4069-сонли "Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, республикада экспорт салоҳиятини оширишни рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фол жалб қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи ва ички бозордаги рақобатдошлигини ошириш, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга асосланган ҳолда лойиҳаларни ва савдо амалиётларини молиялаштириш, шунингдек банк миқозларига келгусида истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш манбаларини кенг кўламда таъминлаш мақсадида амалга оширилди.

Жорий йилнинг 16-17 сентябрь кунлари банк делегацияси Австриянинг Вена шаҳрида жойлашган Райффайзен Банк Интернешнл вакиллари билан учрашди. Учрашувда Банкнинг Марказий Осиё давлатлари молия институтлари билан муносабатларни ривожлантириш бўйича директори ва молия муассасалари раҳбари иштирок этди.

Шунингдек, Банк Бошқаруви Раиси бошчилигидаги делегация 18-19 сентябрь кунлари Германия Федератив Республикасининг Франкфурт шаҳрида жойлашган Commerzbank вакиллари, яъни жамоатчилик билан алоқалар департаменти директори, жамоатчилик билан алоқалар департаменти менежери ва хорижий банкнинг бошқа вакиллари билан учрашди.

Банк вакиллари иштирокида бўлиб ўтган учрашувлар давомида томонлар вакиллик муносабатларини кенгайтириш, икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари, савдони молиялаштиришни ривожлантириш ва узоқ муддатли кредит линияларини жалб қилиш, шунингдек назорат қилувчи ташкилотларнинг қонун талаблари ва стандартларига риоя қилмаслик ҳолатида номувофиқлик хавфи билан боғлиқ бўлган мураккаб – бошқарув тизимининг талабларига тегишли масалалар юзасидан муҳокама ўтказилди.

Музокаралар якунига кўра, Райффайзен Банк Интернешнл (Австрия) ва Commerzbank (Германия) томонидан савдони молиялаштириш лимитини ошириш тўғрисида келишувга эришилди.

РАДДИЯ

“МАҚСАД СУҒУРТА ПУЛИНИ ТЎЛАМАСЛИК”МИ? МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ...

“Банк ахборотномаси” ахборот-таҳлилий газетасининг 2019 йил 19 сентябрь кундаги 36 (1215) сон, 4-5 саҳифаларида “Бир шикоят изидан” рукнида “Мақсад суғурта пулини тўламасликми?” сарлавҳаси остида муаллифлар Уктам Абдуллаев ва Умида Худойберганова томонидан танқидий мақола чоп этилган.

Мақолада, “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти, Тошкент шаҳар филиали томонидан “Yangiyo'l-Sut” хусусий корхонасининг суғурта товонини тўлаб бериш тўғрисидаги мурожаати рад этилганлиги ҳақида сўз боради. Муаллифлар таъбири билан айтганда “тахририят ваколатига кирмасда тадбиркорнинг имкониятини ўрганиб ҳолис фикр юритишга интилан”.

Дарҳақиқат, “ҳақни ҳаққа, ноҳақни ноҳаққа ажратиш” газетанинг ваколатига кирмайди. Бу ҳолатда журналист этикаси ва одобига қатъий амал қилган ҳолда аниқ фактларга таяниб фикр билдириш лозим.

Бир қарашда журналистлар томонидан мурожаат юзасидан фикр ва мулоҳазалар юритилгандек кўринади. Бироқ, мақолада суғурта компанияси ёки унинг ходимлари томонидан бирор бир қонун бузилганлиги факти келтирилмаган. Журналист этикаси ва одобига кўра суғурта компанияси шаъни-қадри қимматига қарши асосиз фикрлар билан расмий матбуотда мақола эълон қилинган.

Муаллифлар томонидан “ижод” қилиниб, икки саҳифада жойлашган мақоланинг қарийб 20 фоизи ҳақорат, бўхтон ва тухматдан иборат бўлиб, тахминан 80 фоизи миждоз ва суғурта компанияси ўртасида ёзилган ёзишмалар ва расмий ҳужжатларни кўчириб ёзишдан иборат.

Мақоланинг кириш қисмида ҳали ҳолат бўйича бирор жумла ёзилмасдан суғурта компаниясига нисбатан қўштирноқ ички “НОМАРД” деган ҳақоратомуз сўз келтирилган. Шунингдек, мақола муаллифлари “суғурта”, “суғурта пули” ёки “суғурта товони” каби жумлаларнинг луғавий маъноси ва мазмунига тушуниб етмасдан суғурта ташкилоти ва унинг миждозини гўёки “қарз олувчи ва қарз берувчи” ўхшатиб бу тўғрисидаги нақлни келтириши уларнинг малакиси ёки маълумотига нисбатан инсонда шубҳа туғдиради.

Ҳодиса аслида қандай бўлган? - деган асосли савол келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонун талабларига кўра, “Суғурта қилдирувчи” ва “Суғурталовчи”нинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари аввало, улар ўртасида тузилган суғурта шартномасидан келиб чиқади.

Тарафлар ҳисобланган Суғурта қилдирувчи “Yangiyo'l-Sut” хусусий корхо-

наси билан Суғурталовчи “Ўзагросуғурта” АЖ Тошкент шаҳар филиали “Пойтахт” бўлинмаси ўртасида 2017 йил 7 июнда 10-01/028110000200-сонли “Гаровга қўйилаётган мол-мулкни суғурта қилиш” шартномаси тузилган.

“Yangiyo'l-Sut” хусусий корхонаси 2017 йил 7 июндаги 129142-сонли суғурта полисига асосан суғурталанган.

2019 йил 16 май куни корхонанинг Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳар, Наврўз маҳалласи, Самарқанд кўчаси, 171-уйда жойлашган биносида, яъни ижара шартномаси асосида фойдаланилаётган “Дарвоза савдо” МЧЖга қарашли Макро супермаркетига ёнғин келиб чиққан.

“Universal appraisers group” МЧЖнинг 2019 йил 21 майдаги 7/015-сонли баҳолаш ҳисоботида кўра, “Yangiyo'l-Sut” хусусий корхонасига тегишли бинонинг “Дарвоза савдо” МЧЖга қарашли Макро супермаркетига жойлашган 1-қаватида ёнғин оқибатида 435 115 186 (тўрт юз ўттиз беш миллион бир юз ўн беш миң бир юз саксон олти) сўм миқдорда моддий зарар етди.

“Yangiyo'l-Sut” хусусий корхонасининг суғурта товонини тўлаб беришни сўраб ёзган мурожаатини ўрганиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 6- ва 1-моддасига асосан “Ўзагросуғурта” АЖ Тошкент шаҳар филиали ходимлари ва “Дарвоза савдо” МЧЖ вакиллари иштирокида ёнғин содир бўлган жойга чиқиб, ёнғин оқибатларини бартараф этилиши ва таъмирлаш ишларини бориши кўздан кечирилганда ёнғин содир бўлган кундан бошлаб шу кунга қадар “Дарвоза савдо” МЧЖ томонидан 591.939.538 сўмлик бегараз таъмирлаш ишлари амалга оширилганлиги аниқланиб, бу борада 2019 йилнинг 22 июнь куни ҳамкорликда тегишли далолатнома тузилган.

“Дарвоза савдо” МЧЖ “Ўзагросуғурта” АЖ Тошкент шаҳар филиалига 2019 йил 25 июлда йўллаган 1737-сонли расмий хатига “Yangiyo'l-Sut” хусусий корхонасига тегишли бинонинг ёнғин оқибатида етган зарарини бартараф қилиш учун 591.939.538 (беш юз тўқсон бир миллион тўққиз юз ўттиз тўққиз миң беш юз ўттиз саккиз) сўм миқдорда қурилиш таъмирлаш харажатларини бегараз амалга оширилганлигини билдирган.

Мазкур ҳодиса “Yangiyo'l-Sut” хусусий корхонаси билан Тошкент шаҳар филиалининг “Пойтахт” бўлинмаси ўртасида 2017 йил 7 июнда тузилган 10-01/028110000200-сонли “Гаровга қўйилаётган мол-мулкни суғурта қилиш” шартномасининг 10-бўлими, 10.9-бандига асосан, яъни “Агар зарар тўлалигича жавобгар бўлган шахс ёки бошқа ҳар қандай

учинчи шахс томонидан қопланса, гаровга қўйовчи (наф олувчи) суғурта қопламаси олишга ҳақли эмас” деб кўрсатилганлиги сабабли, мазкур ҳодиса суғурта ҳодисаси деб тан олинмасдан, суғурта товони тўланиши юзасидан асосли рад жавоби берилган.

Бу ҳолатда Суғурта қилдирувчи – “Yangiyo'l-Sut” хусусий корхонаси аслида қандай иш тутиши мақсадга мувофиқ ва қонуний бўларди?

Тарафлар ўртасида 2017 йил 7 июнь куни тузилган 10-01/028110000200-сонли “Гаровга қўйилаётган мол-мулкни суғурта қилиш” шартномасининг 14.2-бандига кўра, “Ушбу шартномадан келиб чиқувчи ёки у билан боғлиқ, шу жумладан, унинг бажарилишига, бузилиши, тўхтатилиши ёки ҳақиқий эмаслигига тааллуқли бахслар, келишмовчиликлар ёки талабларни музокара олиб бориш йўли билан ҳал қилишнинг имкони бўлмаганда улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, яъни суд орқали ҳал қилинади” деб белгилаб қўйилган. Шунга кўра, Суғурта қилдирувчи “Yangiyo'l-Sut” хусусий корхонаси юқоридаги низоли ҳолат бўйича Тошкент туманларора Иқтисодий судига даъво аризаси қиритиши мумкин эди.

Лекин, “Yangiyo'l-Sut” хусусий корхонаси директори А.Арипходжаевнинг суғурта ва журналистика соҳаларидаги айрим қўштирноқчидаги “Маслаҳатчилари”нинг қимматли маслаҳатлари сабабли унинг бугунги кунга қадар мазкур муаммосига нуқта қўйилмаган.

Журналистлар томонидан “Yangiyo'l-Sut” хусусий корхонаси раҳбарининг “Ўзагросуғурта” АЖ раиси номига шу йилнинг 7 август кунда йўлланган шикоят хатига ҳалигача жавоб олмаганлиги важи ҳам келтирилган. Аммо, журналист бирор бир фактни тарафларнинг бирини оғиздан чиққан гап билан мақолага қиритиш ўрнига шу хатнинг жавобини иккинчи тарафдан сўраши лозим эмасми? Бу ҳолатда журналист миждознинг ҳақ ёки ноҳақ гапирётганлигини текшириб кўрмасдан мақолага ёлғон ва ҳақиқатдан йироқ жумлаларни қиритган. Аслида эса мазкур мурожаатга Ўзбекистон Республикасининг “Юридик ва jisмоний шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун талабларида белгиланган муддатда ариза муаллифининг манзилига расман жавоб хати йўлланган (06.09.2019 й. 06-04/2260, илова қилинади).

Уктам Абдуллаев ва Умида Худойберганодаларнинг хатти-ҳаракатларига қонуний ва ҳуқуқий баҳо берад эканми улар томонидан мақола тайёрлаш ва чоп этиш жараёнида Ўзбекистон Республика-

сининг “Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонунининг 6-ва 15-моддалари ҳамда “Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодекси”нинг 1-банди талаблари қўпол равишда бузилган деб ҳисоблаймиз.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (24.04.1997 й. 402-1) Қонунининг 6-моддасида журналистнинг мажбуриятлари келтирилган бўлиб, унга кўра журналист касбига доир фаолиятини амалга ошириш чоғида қонун ҳужжатларига риоя қилиши, ўзи тайёрлаган материалларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириб ҳолис ахборот тақдим этиши, айбисизлик презумпцияси принципларига амал қилиши, журналистларнинг касбига оид одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши, шахсининг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши шарт.

Мазкур қонуннинг 15-моддасига кўра, “Журналист ўзи тайёрлаётган ва тарқатаётган хабарлар ҳамда материалларнинг ҳаққоний бўлиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгардир”.

Шу каби, “Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодекси”нинг 1-бандига кўра, “Ҳаққонийлик, ҳолислик, адолат, фикрлар хилма-хиллиги ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат Ўзбекистон журналистлари фаолиятининг асосий қоидаси ҳисобланади” деб белгиланган.

Бундан ташқари, ҳурматли журналистларимиз Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс”нинг 40 ва 41-моддаларида “Тухмат, яъни била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш” ҳамда “Ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситиш” да ифодаланган хатти-ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят кодекси”нинг 139- ва 140-моддаларида “Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали ғаразғўй ёки бошқа паст ниятларни кўзлаб туҳмат қилиш” ва нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали ҳақорат қилиш” хатти-ҳаракатлари учун жиноий жавобгарлик белгиланганлигидан хабардор эмас кўринади.

Шунга асосан, Сиздан газетанинг навбатдаги сонида мазкур “Раддияни эълон” қилишингизни сўраймиз. Акс ҳолда, Уктам Абдуллаев ва Умида Худойберганодаларнинг қонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан судга мурожаат қилишимиз тўғрисида огоҳлантирамиз.

Б.АХАДОВ
“Ўзагросуғурта” АЖ
Бошқарма раиси ўринбосари

ТАХРИРИЯТДАН:

Авалло мақолани ўқиб фикр билдирганингиз учун миннатдоримиз. “Мақолани 80 фоизи миждоз ва суғурта компанияси ўртасидаги ёзишмалар ва расмий ҳужжатларни кўчириб ёзишдан иборат” деган сўзларингизга эътирозимиз йўқ. Чунки муаммонинг ечимига хизмат қилувчи далил бўлганлиги учун хат ва ёзишмаларни ҳеч қандай ўзгартиришдан келтиришга ҳаракат қилдик. Лекин 20 фоиз ҳақорат, бўхтон ва тухматдан иборат деган гапларингизга қўшилмаймиз. Чунки мақолада биринчидан ҳақорат сўз йўқ. Иккинчидан мақолада ёзилган сўзлар шу мижозга бевосита алоқадор ташкилотларнинг ходимлари томонидан айтилган. Биз айтилган гап эгасини исми шарфини таъкидлаб, айтган гапини ҳам кўчирма гаплигини билдириб, қўштирноққа олиб ёзганмиз. Айнан ўша фикрлар диктофонга ҳам ёзилган.

Мақоланинг кириш қисмида “Номард” деган ҳақоратомуз сўз айтилган дебсиз.

Биринчидан “номард” деган сўз ташкилотларга эмас, одамларга нисбатан айтилишини яхши биласиз. Мақолада ҳам бу сўз қарз олиб, беришга келганда найранг қиладиган одамларга нисбатан айтилган. Бу сўзга суғурта ташкилотининг алоқаси йўқ.

Фақат қарз олиб, қарз берувчиларга ороқ ўхшатиш, холос. Чунки қайсидир ташкилот билан суғурта шартномасини тузиб, бирор ҳодиса туфайли миждоз зарар кўрганда товон пули бериш мажбуриятини зиммасига олиши ҳам ташкилотнинг бўйнидаги қарз билан баробар.

“Мақсад суғурта пулини тўламаслик”ми? деган сарлавҳани нотўғри ёзибсиз. Чунки “мақсади суғурта пулини тўламаслик” деган жумла бекорга қўштирноққа олингани йўқ. Бу тадбиркор ишлатган жумла. Биз шу ҳақиқатдан ҳам тўғрими деган маънода “ми” қўшимчасини қўшиб сўроқ белгисини қўйганмиз.

Раддияда мақола бир тарафнинг фикри билан ёзилган дебсиз. Эътиборингиз учун айтишимиз лозимки, мақолани

тайёрлаш жараёнида аниқроғи 13 сентябрда 4 та ташкилотга бориб фикр олганмиз. Буни ходимларингиз билди. Лекин Тошкент филиали раҳбари бизни қабул қилмади. Бунга юрист Нарзулло Болтаев гувоҳ. Республика акциядорлик жамиятида эса қабулга аввал ёзилмаган экансизлар, деб ходима қизлар бошқарувчининг олдида қиритишмади.

Ҳар икки тараф ҳам барибир ўзининг ҳақлигини исботлашга ҳаракат қилаётганлигини кўриб, шу ишга алоқадор, лекин ҳолис фикр юритиши мумкин бўлган “Дарвоза савдо” ва Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари билан ҳам гапладдик. Улар ўзларининг ҳолис фикрларини айтди. Уларнинг гаплари диктофонга ёзиб олинган.

Мана “Дарвоза савдо” МЧЖ юридик бўлим бошлиғи Ғ.М. Қўчқоровнинг диктофонига ёзилган сўзларини эшитинг:

– Ғайрат ака, бир нарсга аниқлик қиритсак, суғуртачилар бинода ёнғин чиққандан кейин таъмирлаш ишларини “Дарвоза савдо” МЧЖ олиб борган деяпти. Шу гап тўғрими?

– Йўқ. Таъмирлаш ишларини “Yangiyo'l-Sut” жамоаси олиб борган. Бизни бу ташкилот билан қарз олди-бердиси бўйича шартномамиз бор. Шу шартнома бўйича олди-бердилар ҳақидаги хатимизни олиб “Гаровга қўйилаётган мол-мулкни суғурта қилиш” шартномасининг 10 бўлим 10.9 бандига тўғрилаб олишибди. Аслида бу нотўғри. Мен шахсан ўзим бори шу масалада юристлари билан тортишимизга тўғри келди. Тадбиркор жабр кўрган инсон.

Биз мақолада, тадбиркорлар А.Арипходжаев “Ўзагросуғурта” АЖ раҳбарига ёзган шикоятига жавоб ололмаётганини эшитиб, “фуқароларнинг мурожаатига эътибор шуми?” деган фикрни айтдик, холос. Аслида икки томонга ҳам муносабатимиз бир хил.

Мақолани эшитганларимиз, кўрганларимиз асосида ҳолис ёзишга ҳаракат қилдик. Бир томонни ҳақ, бир томонни ноҳақ дейиш фикридан йироқмиз. Биз учун ким ғолиб, ким мағлуб бўлишидан қатъий назар адолат қарор топса бўлган.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИЛАРГА ТАЯНЧ СИФАТИДА

**InfinBANK экспорт қилувчи корхоналарга
тақдим этиладиган имкониятлар ҳақида**

Ўзбекистон корхоналари кенг турдаги маҳсулотларни экспорт қилдилар: бутун дунё бизнинг меваларимиз, сабзавотларимиз ва қуритилган меваларимизнинг экологик софлигини ва табиийлигини энгил саноат ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида катта имкониятларга эга эканлигимизни билади.

Сўнги йилларда юртимизда экспорт салоҳиятини ошириш борасида жуда катта ишлар амалга оширилди: пул-кредит сиёсати эркинлаштирилди, маъмурий тўсиқлар олиб ташланди, экспорт қилинадиган маҳсулотлар учун нархларни белгилаш ва тўловлар борасида бозор механизми ўрнатилди. Натижада экспорт жүрофияси кенгайди ва 140 дан ортиқ мамлакатни қамраб олди.

Маҳсулотларни чет элга экспорт қилиш имконияти мавжудлигига қарамай, кўпчилик янги даражага чиқишга журъат этмайди. Халқаро савдонинг ривожлантиришда экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида InfinBANKда Осие тарқиёт банкининг кредит линияси очилди. Унинг доирасида ишлаб чиқарувчилар тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ва келгусида экспорт қилиш учун хомашё сотиб олиш мақсадида чет эл валютасида қисқа муддатли молиялаштиришни жалб қилишлари мумкин. InfinBANK мутахассислари экспорт қилувчи корхоналарга, уларнинг кундалик банк муаммоларини ҳал қилиш билан бирга, маслаҳатлар берадилар ва амалий ёрдам кўрсатадилар.



Банкка мурожаат қилиш орқали экспорт қилувчилар шартномаларни экспортдан олдин молиялаштириш хизматидаги фойдаланишлари, корхонанинг эҳтиёжлари учун ўз вақтида ва узлуksиз нақд пул олишлари мумкин.

InfinBANK экспортни қўллаб-қувватлаш зарурлигини тушунади, бу эса Ўзбекистон иқтисодийетини ривожлантириш ва диверсификациялашга ҳисса қўшади. Жорий йилда 300 дан ортиқ экспорт қилувчи банк хизматларидан фойдаланган. Булар асосан қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, қоғоз, қандолатчилик, жун ва теридан тайёрланган маҳсулотлар экспорти билан шуғулланувчи бизнес вакиллардир. InfinBANK маъмуриятининг таъкидлашча, глобал бозор билан ҳисоблашадиган ва ушбу йўналишда ривожлана бошлаётган бизнеслар ажойиб натижаларга эришмоқда.

Буларнинг барчаси экспорт ҳажмини оширишни давом эттиришимиз кераклигини англатади. Утган йилнинг декабрь ойида Президентимиз "Экспортни ривожлантириш ва рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонни имзолади. Ушбу қонунчилик ташаббуси бўлимлар ва тижорат банклари ўртасидаги интеграция жараёнларини тезлаштириш, экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлашни тартибга солиш ва кенгайтиришга имкон берди. Давлат бизнесга аниқ ишора бермоқда – экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш тенденцияси давом эттирилмоқда.

InfinBANK ҳам ушбу ташаббусни қўллаб-қувватламоқда: ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун корпоратив хизматларни сезиларли даражада пасайтирилган ставкаларда тақдим этувчи янги "Экспорт" тариф пакети ишга туширилди. Экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш учун 1 сентябрдан 1 ноябргача акция йўлга қўйилган бўлиб, унинг доирасида "Экспорт" тарифида янги очилган ҳисоб рақамларига "Мутлақо бепул хизмат кўрсатиш" кўзда тутилган.

Батафсил маълумотни қуйидаги телефон рақами орқали олишингиз мумкин: 71 202 50 60

Мижоз – бизнинг асосий қадриятимиз!

Хизматлар лицензияланган.



1 ОКТАБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ КАМОЛГА ЕТГАЗГАН КАМТАРЛИК

Ҳар жамоада бир инсон бўладики, катта-ю кичик у кишининг бир қараши, бир оғиз сўзидан сергак тортади. Қийналган пайтлари у кишига дилини очиб, маслаҳатини олади. Айниқса ишга янги келган ходимлар унинг далдаси, ширин сўзи-ю, доно маслаҳатига илҳақ бўлади.



Бир неча йиллардан бери "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки "Котибият" бошлиғи лавозимида ишлаб келаётган Юлдшева Шоира Сурабовна ҳам ана шундай меҳридарё инсонлардан. Бир кўринишда камтар, айни чоғда улуғвор қиёфага эга Шоира опа жамоадаги барча раҳбар ходимлар учун ўз туғишганидек қадрдон. Чунки қахрамонимиз кимдир ғамгин қиёфасига кўзи тушса бефарқ ўтолмайди. Дарров олдига келиб ҳол-авҳол сўрайди, дилдан суҳбатлашади. Керакли маслаҳатлар, йўл-йўриқлар беради.

Опадан кимларга ёрдамнингиз асқотган дея сўрасангиз, ийманиб, "Яхшиликни Аллоҳ учун қилсан, халқда нақл бор "Яхшилик қил сувга сол, билса балиқ, билмаса Холик" дейди.

Унинг мана шундай жонқуярлиги тўғрисида банк раҳбарияти Шоира Юлдшеванани банк Касаба уюшмасига раҳбар қилиб сайлаган. Шу боис, айни дамда у банк жамоасининг ҳар бир тадбири байрамларида бош бўлиб, ходимларнинг кўнглини олиш пайдан бўлади.

Бундай халқчиллик, ўз атрофига этиборлилик, ўз ишига масъулиятни Шоира опа қайдан олган дерсиз?! Албатта, аввало оиладан. Отаси Сухроб Йўлдошев фидойи журналист ва истеъдодли адиб бўлиб, "Тонг улдузи" (аввалги "Ленин учкуни") газетасида 25 йилдан ортиқ фаолият кўрсатиб, анча йиллар Бош муҳаррир лавозимида фаолият кўрсатган. Болалар публицистикасига асос солган, кўплаб қаламқашларни тарбиялаб камолга етказган Сухроб отани шогирдлари ҳурмат билан эслашади. Онаси Зарифа она ҳам ўз касбидан кадр топганлардан, моҳир педагог бўлган. Пойтахтнинг 144-сон мактабида ўзбек тили ва адабиёти фанларидан кўп йиллар ёшларга сабоқ берган.

Ота-онасининг қадри баланд солиҳ тарбияси, таълим масканларидаги устозларнинг қимматли сабоғи, иш фаолиятидаги олийжаноб инсонлардан олган йўл-йўриқлар Шоира опани бугунги пағонага кўтарди. У ота-онасини эслаб, уларнинг панд-насиҳатларини доим тасқинлайди: "Қизим, гина-адоватдан узоқ юр, кучинг етмайдиган ишга киришма, чақимчилар сўзига инонма, бахил, хасислардан узоқ бўл... Доимо шафқатли, марҳаматли,

хайр-саховатли бўл. Халққа ҳалол хизмат қилишга, жамиятга фойда келтиришга интил...". Ҳар доим қулоғи остида жаранглайдиган бу сўзлар опага доим куч-қувват, эртанги кунга ишонч ва умид пайдо бўлган бўлса ажабмас.

Шоира Юлдшева Тошкент давлат педагогика институтининг "Тарих, жамиятшунослик ва ҳуқуқ" мутахассислиги бўйича таҳсил олган. Ўз иш фаолиятини Тошкент шаҳрининг 84-мактабида ёшларга тарих фанидан таълим беришдан бошлаган. Сўнгга ўз билим ва тажрибаларини банклар фаолиятида намойиш қилган. Шоира опа қатор банкларда етакчи таржимон, Ходимлар бўлими бошлиғи каби масъулиятли лавозимларда ишлаб, жамоа ҳурмати ва эътиборини қозонган. У қаерда ишлагансинлар ўз ўрни, ўз сўзига эга бўлганлардан. Шоира опа суҳбат чоғида қулиб эслайдилар:

– Раҳматли отам, биз фарзандларга доим адолатли, ҳақпарвар бўлинглар, деб ўргатардилар. Жойи келганда тўғри сўзни айтишдан кўрқманглар, дердилар. Иш жараёнида гоҳида ходимлар ҳақ-ҳуқуқларини ўйлаб, бошлиқлар билан тортишиб қолардим. "Тўғри сўз туққанинга ёқмайди" дейишади. Бироқ бу тўғри сўз келажакда ўзининг ижобий натижасини беради, юзингни кўпчилик олдида ёруғ қилади.

Шоира опа нафақат ишда, оилада ҳам бахти қулган аёллардан. Турмуш ўртоғи Аюбжон Мамажанов билан икки нафар фарзандни камолга етказди. Она изидан бориб тўнғич қизи Мақсуда Нуриддинова ўқитувчи. Кенжа қизлари Нодира Мамажнова банкда етакчи мутахассис бўлиб фаолият юритмоқда.

Бир сўз билан айтганда, 2006 йилдан бери "Ипотека-банк"нинг Бош офисида турли лавозимларда ишлаб келаётган дилкаш Шоира Юлдшева ёшларга ғамхўр устоз, тажрибали мутахассис, ўз билим ва тажрибаларини банк хизматида бағишлаган етук инсонлардан.

Зеро, буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари "Нафъинг агар халққа бешакдурур, билки, бу нафъ ўзингга кўпракдурур" деганларидек, халққа нафи теккан инсон доим азиздир.

Умида Худойберганава



ОТАДЕК УЛУҒ ИНСОН

Мамлакатимизда устозлар ва мураббийларга эътибор ўзгача. Чунки 1997 йилдан бошлаб 1-октябрь "Ўқитувчи ва мураббийлар куни" умумхалқ байрами сифатида нишонланиб келинмоқда.

Жамиятимизнинг бугунги куни ва келажаги бевосита таълим тизими билан боғлиқ. Таълим тизимини ривожлантириш, келажак авлодни ҳар томонлама етук ва маънавиятли шахс сифатида камолга етказиш мақсадида охириги йилларда бу соҳада қатор ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Халқаро андозаларга мос келувчи таълим дастурлари ишлаб чиқилмоқда.

Дарҳақиқат, илм ва касб-хунарни ўргатувчи устозлар кўп. Аммо улар орасида энг улуғи ва шарафлиси мураббийликдир. Зеро, ҳар биримизни шу даражага етишимизга сабабчи бўлган кишилар – устозлардир. Улар бизга илм-маърифат бериш билан бирга инсоний фазилатлар ҳиссини сингдириб боради.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси – банк, молия, солиқ тизимлари ва иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларининг бошқарув кадрлари ва мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрловчи давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади. Ушбу даргоҳда профессор, доцент ва ўқитувчилар жамоаси тингловчиларга мутахассисликлари бўйича сабоқ бериб келмоқда.

Ана шундай фидоий устозлардан бири Академияда узоқ йиллардан бери фаолият юритиб келувчи Йўлдошев Муталлибжон Иброҳимовичдир. М.Йўлдошев Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ташкил этилгандан буён, яъни 1996 йилдан бери Академия тингловчиларига сабоқ бериб келмоқда. Академиядаги фаолияти давомида кафедра мудири, "Банк иши" факультетининг декани лавозимларида ишлаган. Ҳозирда "Молия" кафедрасида профессор вазифасида фаолият юритмоқда. Олим Академиядаги фаолияти давомида юзлаб шогирдлар тайёрлади.

Устоз яратган 160 дан зиёд илмий мақолалар, қатор илмий монографиялар, илмий-оммабоп китоб ва рисоалари мамлакатимизда иқтисодиёт ва ҳуқуқшунослик соҳасида дастурул-амал бўлиб келмоқда. Олим томонидан қатор ўқув қўлланмалар, ўндан ортиқ дарслик, ўқув ва ўқув услубий қўлланмалар нашр этилган.


Муталлибжон Йўлдошевнинг илмий педагогик фаолияти 1970 йилда Тошкент Давлат университетининг юридик факультетини имтиёзли диплом билан тамомлагани ва давлат тақсимот комиссиясининг қарорига кўра мазкур университетнинг "Сиёсий иқтисод" кафедрасида ўқитувчи сифатида қолдирилган вақтдан бошланган. 1973–1976 йилларда – Тошкент Давлат Университети аспирантурасида ўқиб "Қишлоқ жойларидаги ишчи кучларини қайта тақсимлашнинг социал-

иқтисодий муаммолари" мавзусида номзодлик диссертациясини 1991–1993 йилларда Санкт-Петербург Иқтисодиёт ва молия университетидан докторантурада таҳсил олиб, "Меҳнат бозори шаклланишининг минтақавий омиллари мавзусида" докторлик диссертациясини ёқлаган.



Профессор М.Йўлдошев иқтисодиёт назарияси мутахассислиги бўйича Республикаимизнинг турли иқтисодий муаммоларга бағишланган мавзуларда илмий тадқиқот ишлари олиб бораётган бир қатор илмий тадқиқотчиларга раҳбарлик қилиб иқтисод фанлари номзодлари, 80 дан ортиқ магистрантлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳозирги вақтда олимнинг раҳбарлигида 4 нафар илмий тадқиқотчилар фан доктори илмий даражаси олиш учун диссертациялари устида фаол иш олиб бормоқдалар.

Профессор М.Йўлдошев иқтисодиёт назариясига бағишланган ишларида мамлакатимизда демографик ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишчи кучларини такрор ишлаб чиқариш, уларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш орқали самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган чуқур илмий тадқиқотлар олиб борди. Бу тадқиқотлар ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, мамлака-



Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимиздан самимий муборакбод этамиз.

тимизнинг иқтисод илмида ўзига хос улуш бўлди.

Олимнинг иқтисодиёт назариясига бағишланган ишларида Ўзбекистон аҳолисининг ҳудудлар бўйича нотекис жойлашганлигининг ижтимоий, иқтисодий тарихий омиллари ва сабаблари илмий асосланиб очиб берилган. Бу ишларнинг муҳим амалий аҳамияти шундаки, уларда қишлоқ аҳолисини ҳудудлар бўйича қайта тақсимлаш орқали улардан самарали фойдаланишнинг асосий йўллари кўрсатиб берилган. Олимнинг фикрига кўра, Ўзбекистондаги демографик ҳолатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда

ларни ривожлантириш, бу фанлар бўйича республикада биринчилар қаторида, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, дарсликлар, ўқув-қўлланмалар яратиш ҳамда уларни такомиллаштириб боришга катта ҳисса қўшди. Шу фанлардан академияда сабоқ бериш орқали назарияни амалиёт билан бевосита боғланишини таъминлаш тамойили асосида иш олиб борди.

Олимнинг фаол илмий тадқиқотлари натижасида республикаимизнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланиши ҳамда қонунчилигининг долзарб масалаларига бағишланган қатор илмий мақолалари, рисоалари, илмий конференциялардаги тезислари эълон қилинди. Шунингдек, у Республикаимиз Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган бир қатор қонун лойиҳаларининг муҳокамасида фаол қатнашиб ўз таклиф ва тавсияларини берди.

М.Йўлдошев илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, уларнинг илмий салоҳиятларини ошириб боришга ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Банк-молия академияси қошидаги докторлик диссертацияси ёқланувчи илмий кенгашга аъзо, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг иқтисодий фанлар бўйича эксперт комиссиясининг аъзоси (2001–2010й) бўлиб фаолият олиб борди.

М.Йўлдошев Халқаро Меҳнат ва бандлик академиясининг ҳақиқий аъзоси (1999), профессор (2010), Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлигининг "Устоз" фахрий унвонига (2002), Тошкент шаҳар қасаба уюмлари ташкилотлари бирлашмаларининг "Ўз касбининг моҳир эгалари" (2018) ҳамда Ўзбекистон қасаба уюмлари федерациясининг "Ўз касбининг моҳир эгалари" дипломларига (2018) сазовор бўлган. Япония, Буюк Британия, Нидерландия, Россия, Чехия каби мамлакатларда малака оширган.

Муталлибжон Йўлдошев айни кунларда ҳам Ўзбекистоннинг иқтисодий билимлари ривожига улкан ҳисса қўшган ҳолда, бўлғуси раҳбар кадрларнинг илмий салоҳияти ўсиб, юрт истиқболи йўлида фидоий раҳбар кадрлар бўлиб етишларида ўзларининг беминат хизматларини аямайдилар. Ҳурматли устоз, меҳрибон мураббий Муталлибжон акани касб байрамлари билан қутлаб, келгусидаги шарафли ишларида зафарлар ёр бўлсин деймиз.

Гўзал Қодирова,
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси
Матбуот котиби.

≡ БАНК ХИЗМАТЛАРИ ≡

АҲОЛИ УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Аҳоли ва тадбир-корларнинг ишончини қозониш, уларга кўмакдош бўлиш ва чакана бизнеснинг замонавий хизматларини кўрсатиш мақсадида, жорий йилнинг 9 сентябрь куни Трастбанкнинг Амалиёт бошқармаси қошида "Бешқайрағоч" номли миқозларга тезкор хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган ихчам "Банк хизматлари маркази" ўз фаолиятини бошлаган эди.

"Трастбанк" хусусий акциядорлик банки аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида, жорий йилнинг 20 сентяб-ридан "Бешқайрағоч" миқозларга тезкор хизмат кўрсатувчи "Банк хизматлари маркази" да пул ўтказмалари шохобчасини очди.



Қайд этиш лозимки, мазкур марказда жисмоний ва юридик шахсларга кенг турдаги банк хизматлари кўрсатилади. Хусусан, миқозлар ҳисобрақамлар очиши, омонат, микроқарз ва овердрафт кредитларини расмийлаштиришлари, валюта операциялари, турли тўловларни амалга оширишлари ҳамда жисмоний шахсларга "Western Union", "Contact", "MoneyGram", "Юнистрим" ва "Золотая корона" халқаро пул ўтказмалари тизими орқали хизмат кўрсатилади.

Шунингдек, марказ 7 кун 24 соат давомида узлуксиз ишловчи ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи электрон тизими, яъни банкомат ва инфоқюска билан жиҳозланган. Мазкур банкоматлардан миқоз нафақат нақд пул ечиб олишда фойдаланиши, балки улар орқали товар ва хизматлар бўйича турли тўловларни амалга ошириши, коммунал тўловлар тўлаши, кредит бўйича қарздорликни сўндириши ҳамда сўм пластик карта ёрдамида амалга оширилиши кўзда тутилган барча турдаги банк хизматларини мустақил бажариш имконига эга.

Сабоҳат ҲАЙТҚОРИЕВА

КРЕДИТ ТАЪМИНОТИДА КАФИЛЛИКНИНГ ТУТГАН РОЛИ

Кредитнинг таъминланганлиги сифатида қабул қилиниб, кредит мажбуриятлари бажарилишини таъминлашнинг кенг тарқалган усулларида бири кафиллик ҳисобланади. Фуқоролик кодексининг 292-моддасига мувофиқ кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади.

Кафиллик ёки кафолат деганда, учинчи шахснинг молиявий кафолати ёки кафиллиги билан бериладиган ссудаларни тушуниш мумкин. Бунда кредит бошқа бир ташкилотнинг кафолати асосида бериллади. Кафолат берувчи корхона ёки муассаса, агар қарз олувчи кредит шартномасида кўрсатилган шартларни вақтида бажармаса, шу туфайли банк кўрган зарарларни қоплашга кафиллик беради ва фаолият давомида ҳақиқатда шундай ахвол рўй берса, ўз маблағлари ҳисобидан зарарни қоплаб беради. Молиявий кафиллик берувчи томон сифатида ҳуқуқий шахслар, шунингдек турли даражадаги давлат ҳокимияти органлари, жисмоний шахслар иштирок қилишлари мумкин. Кафил банк-кредитор ўртасида кафиллик бўйича муносабатларни расмийлаштириш учун кафиллик шартномаси имзоланади. Амалиётда кафиллик шартномасини тузишнинг уч ҳолатлари учрайди:

- банк-кредитор ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномаси имзолангандан кейин;
- кредит шартномаси имзоланишидан олдин.

Бу тез-тез учраб турадиган ҳолат, бунда банк кредитни беришни расмийлаштириши фақатгина қарз олувчи учун кафилликни олгандан кейингина амалга оширади;

- биргаликда, яъни кредит шартномаси билан бирга уч томонлама кафиллик шартномасини имзолаш. Бу ҳужжатни банк-кредитор, қарз олувчи ва кафил расмийлаштиради.

Халқаро амалиётда кафолат ва кафилликлар кредит таъминотининг шаклларида ҳисобланади. Булар ҳам гаров каби кредитор манфаатларини юридик ва иқтисодий томондан ҳимоя қилади. Буларнинг гаровдан фарқи томони шуки, бунда жавобгарлик қарздорнинг эмас, балки учинчи шахс – кафилнинг зиммасига тушади.

АҚШда узоқ мuddат давомида "10+10" принципи қўлланилган. Бунда қарз олувчи кредитни олишдан олдин 10% ва олгандан кейин яна 10%, жами 20% миқдорда пулни банкка депозитга қўйиши керак бўлади. Лекин бу ҳолатда кафолат кредитор манфаатларини қисман ҳимоя қилишга хизмат қилади, холос.

Кафолатнинг бошқа бир тури бу – қарздор билан яқин алоқаларда бўлган барқарор молиявий корхона бўлиши мумкин. Бунда кафил корхона ҳақида маълумотлар керак бўлади. Агар корхона ҳам шу банкка ҳисоб рақами очган бўлса, уни кредитга лаёқатлилигини ҳисоблаш осон бўлиши мумкин, лекин у бошқа банкка ҳисобварақ очган бўлса, уни кредитга лаёқатлилигини ҳисоблашда қийинчиликлар бўлади. Кафолатнинг самарадорлиги бир қатор омиллар билан боғлиқ:



- кафилнинг молиявий ҳолатини банк томонидан реал баҳолаш;
- кредит беришдан олдин банк кафил билан учрашиб, уни ушбу мажбуриятни тўлашга тайёрлигига ишонч ҳосил қилиш керак;

- кафиллар ўзларининг имкониятлари етмайдиган суммага кафолат бермаслиги лозим.

Гаров механизми, кафолат, кафиллик ва бошқалардан фойдаланишда ҳозирги амалиётда куйидаги асосий камчиликлар мавжуд:

- кредит таъминотининг иккиламчи шакллари қайта баҳолаш ва миқозни кредитга лаёқатлилигини баҳолашда, пул оқимини таҳлил қилишдаги камчиликлар;

- гаров объектнинг сифати, уни сақлаш ва ишлатилиши, тартиби;

- кафилнинг молиявий ҳолати устидан дастлабки ва кейинги назорат қилиш механизмининг йўқлиги;

- гаров шартномаси шартларини ҳақиқатдаги риск билан мос келмаслиги;

- гаров шартномалари ва кафиллик хатларини расмийлаштиришдаги, уларни ҳақиқий эмаслигига олиб келадиган камчиликлар.

Ўзбекистонда кредит таъминотининг иккиламчи шакллари ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапирганда уларнинг ҳар бирида мавжуд бўлган рискларни баҳолашга ҳам аҳамият бериш лозим.

Бу борада Германия тажрибаси мақсадга мувофиқдир. Бу ерда банклар таъминот самарадорлигини баҳолашнинг 3 балли тизимидан фойдаланадилар ва унга мос равишда кредитнинг юқори чегарасини белгилайдилар.

Кафиллик (кафолат) ва қимматли қоғозлар гаровига нисбатан паст балл олинган. Кафилнинг кредитга лаёқатлилиги юқори бўлганда кредит суммаси 100%, шубҳали бўлганда эса кафиллик шартномаси ёки кафолат хатидаги суммага нисбатан камроқ белгиланиши мумкин.

Банк кафолати ва кафиллик асосий мажбурият (кредитни қоплаш бўйича) ни бажаришни таъминлаш усули сифатида кўп умумий таснифга эга. Банк-кредитор ва қарз олувчидан ташқари ссуда операцияларида банк гаранти ёки кафил қатнашади. Аммо банк кафолати ва кафил ўртасида аниқ фарқлар мавжуд:

1. Банк кафолати (кафилликдан фарқли равишда) асосий мажбуриятга боғлиқ эмас.

2. Мажбурият субъектлари бўйича. Қонун бўйича банк гарантлари сифатида фақат кредит муассасалари ва суғурта ташкилотлари қатнашиши,

кафил сифатида эса турли юридик ва жисмоний шахслар қатнашиши мумкин.

3. Муносабатларни ўрнатиш шакли бўйича. Банк-гарантлар банк-кредиторлари билан банк кафолати шартномасини тузадилар ёки уларга кафолат хати юборадилар. Кафиллик муносабатлари эса, банк-кредитор ва кафил ўртасида кафиллик шартномаси тузилиши натижасида ўрнатилади.

Кўпчилик (асосан кам тажрибали гарантлар) нимани бошдан кечиришларини, қачон қарз олувчи олган кредитини қайтаришини ё хоҳламаслигини ёки қайтара олмаслигини тахмин қила олмайдилар. Тажрибали британ иқтисодчиси Кристофер А. Блумфилд кафолат бераётган пайтида баъзи бир қоидаларга эътибор беришни маслаҳат беради. Бунинг учун сиз куйидагиларга ишонч ҳосил қилишингиз керак:

- 1) Кафолатланаётган шартноманинг мустаҳкамлигига ишонинг;

- 2) Берилган кредитни қоплаш бўйича масалаларни яхшилаб кўриб чиқиш;

- 3) Банк-кредитор билан кафолатни тақдим этиш тўғрисида келишиш, бунда кафолат суммаси сизнинг активларингиз қийматидан юқори бўлмаслиги керак.

Лекин, амалиётда ҳар қандай банк ҳам ўз мулкни кафиллик таъминоти асосида қарз олувчига қарзга беришга дадил ботина олмаяпти. Ҳозирда мажбурият ижроси таъминотнинг иккиламчи манбаи бўлган "Кафиллик" билан таъминланганда мажбурият бажарилмаслигини ёки лозим даражада бажарилмаслигини вужудга келтирувчи салбий ҳолатлар келиб чиқмоқда, булар жумласига:

1. Кафиллик билан таъминланган мажбурият ижроси даврида қарздорнинг ҳам кафилнинг ҳам молиявий аҳволининг ёмонлашуви ва тўлов қобилиятини йўқотиши.

2. Кафил ва қарздорнинг ўзаро боғлиқлиги;


3. Ўзи мулкдор бўлмагани ҳолда гараз манфаатни кўзлаб мулкдор розилигисиз кафилликка ўтиши;

Банкларнинг активларини жойлаштириши, шу жумладан, кредитлар бериш билан боғлиқ фаолияти энг юқори даромад келтирувчи фаолият бўлиши билан бирга, энг юқори таваккалчиликка асосланган фаолият ҳамдир.

Азамат ЭШНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси
тингловчиси

ЭСКИ, МАЙДА ПУЛЛАРНИ 2020 ЙИЛ 1 МАРТГА ҚАДАР ЯНГИСИГА АЛМАШТИРИШ МУМКИН

Адлия вазирлиги “25 сўмлик ва ундан кичик номинал қийматдаги тангалар ва банкнотларни муомаладан қайтариб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорни рўйхатдан ўтказди (рўйхат рақами 3183, 18.09.2019 йил).



2020 йил 1 мартдан бошлаб:

- 1, 3, 5, 10, 20, 50 тийинлик, 1, 5, 10, 25 сўмлик қийматидаги тангалар;

- 1, 3, 5, 10, 25 сўмлик эски намунадаги банкнотлар қонуний тўлов воситаси сифатида ўз кучини йўқотади.

Ушбу танга ва банкнотлар ҳеч қандай монелик, чекловларсиз, тўлов ёки воситачилик ҳақи ундирилмаган ҳолда:

- 2020 йил 1 мартга қадар ҳисоб-китоб касса марказлари, тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан;

- 2020 йил 1 мартдан 2021 йил 1 январга қадар эса фақат ҳисоб-китоб касса марказлари томо-

нидан алмаштириб берилади.

Бунда ҳисоб-китоблар мижозлар ва аҳолининг талабига асосан:

- банк пластик картаси ҳисобварақларига кириш қилиниш орқали (тўлиқ қийматда);

- муомаладаги танга ва банкнотларга айирбошлаб бериш орқали;

- мижозларнинг тегишли ҳисобварақларига, фуқароларнинг аризасига асосан омонатга кириш қилиш орқали;

- коммунал ва бошқа бир марталик тўловлар учун қабул қилиш орқали амалга оширилади.

ЁШ ОИЛАЛАРГА ИПОТЕКА КРЕДИТИНИ БЕРИШ ШАРТЛАРИ ЎЗГАРДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 11.09.2019 йилдаги 760-сон қарори билан мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш чора-тадбирлари қабул қилинди.

Эслатиб ўтамиз, Вазирлар Маҳкамасининг 8.09.2014 йилдаги 250-сон қарориде ижтимоий фаол ёш оилаларга имтиёзли ипотека кредитлари бўйича квартиралар берилиши назарда тутилган эди. Ҳужжатда номзодларга қўйиладиган талаблар, уларни таллаб олиш мезонлари, уй-жой бериш шартлари ва тартиби белгиланган.

Қабул қилинган ҳужжатда айтилишича, ушбу мақсадлар учун 2019 йилда 1 064 та уй-жой битказиб топширилган ҳамда 2 116 таси қурилиш жараёнида. Мазкур қурилатган уй-жой қиймати дастлабки бадалнинг 65%гача бўлган қисми Ёшлар иттифоқи маблағлари ҳисобига 7 йил муддатга МБнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 50%га тенг бўлган фоизли ставкада ссуда тариқасида ажратилади. Бунга қадар дастлабки бадални Ёшлар Иттифоқи тўлаган, ёш оилалар эса уни кредитни сўндириш муддати тугагунга қадар тўлаб берар эдилар. Ипотека кредити бўйича биринчи 5 йил ниҳоясига етгандан кейинги бутун муддат учун ҳисобланадиган



фоиз тўловларининг 25%ини Ёшлар иттифоқи тўлайди.

Шунингдек 2020 йилдан бошлаб қуриладиган уй-жойлар учун ипотека кредити бериш шартлари белгиланди:

- дастлабки бадалларни ва кредити бўйича биринчи 5 йил ниҳоясига етгандан кейинги бутун муддат учун ҳисобланадиган фоиз тўловларини ёш оилалар ўз маблағлари ҳисобидан тўлайдилар;

кредитдан фойдаланишнинг биринчи 5 йили давомида ҳар йили фоиз ставкаси қатъий белгиланган 7%дан МБнинг қайта молиялаштириш ставкаси даражасигача босқичма-босқич ошиб борадиган ставкада, кейинги даврда эса қайта молиялаштириш ставкасида белгиланади.

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИДА ЯНГИ СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

Президентнинг 16.09.2019 йилдаги “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4453-сон қарори қабул қилинди.



Тармоқда ижобий натижаларга эришилди – пахта толасининг 80%дан кўпроғи ва ип калаванинг 45%дан кўпроғи қайта ишланмоқда, 2018 йилда тайёр маҳсулот экспорт ҳажми эса 1,6 млрд АҚШ доллари етди. Имтиёзлар ва преференциялар тайёр чарм ишлаб чиқариш ҳажмини 6%га ва краст босқичидаги чарм ишлаб чиқариш ҳажмини 44%га ошириш имконини яратди. Қуйидаги чора-тадбирлар ушбу йўналишда ҳаракатни давом эттиришга ёрдам беради:

Биринчидан, 2021 йил 1 январдан бошлаб ярим тайёр чармни (ТИФ ТН буйича 4104, 4105, 4106 21 000 0 кодлари) олиб чиқишда йғим экспорт қилинадиган маҳсулот қийматининг 5%идан 10%гача оширилади, пахта ип-калаваларини (ТИФ ТН буйича 5205, 5206, 5207

кодлари) олиб чиқишда эса ҳар бир килограмм ип-калава учун 0,01 АҚШ доллари ундирилади. Йиғилган маблағларнинг 75%и “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасига ўтказилади, у маблағлардан мақсадли харажатларни молиялаштириш учун фойдаланади;

Иккинчидан, 2020 йил 1 январдан қуйидаги солиқ имтиёзлари жорий этилмоқда:

- ҳисобот даври натижалари бўйича ялпи тушумнинг умумий ҳажмида тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларининг экспорти 60%дан кам бўлмаган экспорт улушига эга бўлган корхоналар 2023 йил 1 январга қадар мол-мулк солиғини тўлашдан озод этилади;
- тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳалари корхоналарининг фойда

солиғи бўйича солиққа тортиладиган базаси 7 йил давомида тенг улушларда замонавий тозалаш ва канализация иншоотларини қуриш бўйича харажатлар суммасига камайтирилади;

- чорва молларини сўйиш бўйича замонавий автоматлаштирилган мажмуаларни ишга тушираётган ташкилотлар ва терини қайта ишловчи корхоналар 2023 йил 1 январга қадар ер солиғи тўлашдан озод этилади;

- “Ўзтўқимачиликсаноат” ва “Ўзчармасаноат” уюшмаларининг хорижий консультантлари, шунингдек, тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳалари корхоналарида меҳнат фаолиятини юритаётган хорижий мутахассислар Ўзбекистондаги даромад манбалари бўйича ЖШДСни унинг белгиланган ставкасидан 50% миқдориде тўлайди.

Бундан ташқари, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги Ўзбекистон – Корея ўқув-амалий тўқимачилик технопаркига 2023 йил 1 январга қадар божхона имтиёзлари тақдим этилди. Шунингдек, унга “Ангрен” ЭИЗда тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер майдонлари ажратилади.

Учинчидан, “Ўзпахтасаноат” АЖ 2018-2020 йиллар ҳосилидан пахта

толасини маҳаллий тўқимачилик корхоналарига биржа савдоларида миллий валютага, маҳсулот юклаб жўнатилган кундан бошлаб, 90 кун мобайнида яқуний ҳисоб-китоб қилган ҳолда 35 фоиз олдиндан тўлов асосида сотади;

Тўртинчидан, пахта тозалаш заводларини пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерларига сотишда баҳолаш қийматидан чегирмалар амал қилади. Чегирмалар миқдори тўлов муддатларига боғлиқ: бир йил мобайнида тўланганда – 50%, 2 йил мобайнида тўланганда – 40%, 3 йил мобайнида тўланганда – 30%. Чегирмаларни ҳисобга олган ҳолдаги баҳоси баланс қийматидан паст бўлиши мумкин эмас.

Бешинчидан, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари бир қатор кўшимча афзалликларга эга бўлди:

- пахта хомашёсини етиштириш учун 2019 йилда Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан банклар томонидан берилган кредитлар фақат 11 ой ўтганидан сўнг қайтарилади, ҳар бир транш учун қайтариш муддатини ҳисоблаш эса, қарз олувчиларга маблағлар келиб тушган пайтдан бошланади;

- улар пахта уруғлик чигитини ишлаб чиқаришни мустақил амалга оширишлари, ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилаётган пахта толасини ихтиёрий равишда сертификатлашлари мумкин.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ИҚТИСОДИЁТИ ҚАЙ АҲВОЛДА

Жаҳон иқтисодиёти учун долзарб аҳамиятга эга воқелик юз бермоқда. Гап шундаки, Жанубий Корейдан қилинадиган экспорт ҳажми деярли 22 фоизга камайди, яъни сўнгги ўн йил давомидаги кескин сустлашиш кузатилмоқда. Бу масала нечоғлик муҳим аҳамиятга эга?

Масалан, сентябрь ойида Жанубий Корейдан Хитойга қилинадиган экспорт ҳажми деярли 30 фоиз, АҚШга 20,7 фоиз, Европага 13 фоиз, Японияга 13,5 фоиз қисқарган.

Корейликлар дунёнинг энг йирик экспортчи мамлакатларидан бири саналади. Хусусан, жаҳоннинг илгор давлатлари Жанубий Корейдан асосан компьютер чиплари, кемалар, автомобиль ва нефть маҳсулотларини харид қилиб келган. Бу эса бу-



тун дунё савдосининг катта қисмини ташкил этади.

Ҳозирча фонд индекслари иқтисодий вазиятни "писанда" қилмаётгандек кўринмоқда, улар бундай ҳолатга кўникиб ҳам қолишган аслида. Энг қизиги, Жанубий Корей ваони аввалига нимжонлашди, бироқ кескин равишда доллар билан бирдек қийматга эга бўлишга эришди.

Таъкидлаш жоиз, экспорт динамикасига АҚШ ва Хитой ўртасидаги савдо

можароси ҳам таъсир кўрсатмоқда. Масалан, чиплар савдосининг кескин тушиб кетиши ҳам айнан шу сабабли кузатилапти. Шунингдек, Жанубий Корей ҳамда Япония ўртасидаги келишмовчиликлар ҳам вазиятни шу даражага олиб келди. Ўтган ҳафта Жанубий Корей экспорт маҳсулотлари кучли назоратдан холи мамлакатларни ўз ичига олувчи "оқ рўйхат" таркибидан Японияни чиқариб ташлаш ниятини маълум қилган эди.

Хитойнинг Huawei компанияси Androidнинг очик талқинида ишлай оладиган Mate 30 русумли янги авлод телефонни тақдим этди. Унда Google Play иловаси ўрнида Huaweiнинг махсус иловаси мавжуд.

HUAWEI GOOGLE ТИЗИМИСИЗ ЯНГИ ТЕЛЕФОН ИШЛАБ ЧИҚАРА БОШЛАДИ



Huaweiнинг янги телефонлари гарчи Android оператив тизимида ишласа-да, Google хизматидан фойдалана олмайди. Сабаби АҚШ ҳукумати Huawei компаниясини "қора рўйхати"га кириштиб қўйган бўлиб, маҳаллий компанияларга уларнинг хизмат ва маҳсулотларини сотишни таъқиқлаб, қўйди.

Фойдаланувчилар Googleга тегишли дастурий иловаларни мустақил равишда ўрнатишига тўғри келади. Huawei Consumer Group ижрочи директори Ричард Юнинг таъкидлаганидек, "Истеъмолчи мурбоса йўлини топса бўлади. Айрим муаммоларни ҳал этиш учун вақт талаб этилади".

Mate 30 ва Mate 30 Pro бешинчи авлод тармоқларида ишлайдиган Kirin 990 процессорида ишлайди. Телефонлар 2,3 ва 1,25 Гбит/с тезликдаги 5Gли маълумотларни қабул қила олади ва юбора олади. Mate 30 учта, Mate 30 Pro эса 4 та камерага эга бўлиб, расми янада тиниқлаштиришга хизмат қилувчи объективлар жойлаштирилган.

Mate 30 Pro 6,53 дюймли экранга

эга бўлиб, четлари букилгансимон кўринишдадир. Mate 30 эса анъанавий текис дисплейга эга, бироқ диагонали бироз каттароқ (6,62 дюйм). Кувватлагичларнинг ҳажми ҳам фарқланади: Mate 30 Proнинг 4500 мА·с ли, Mate 30 нинг эса 4200 мА·с ли аккумулятори мавжуд. Иккаласи ҳам симли ва симсиз қувватлагичдан қувватлана олади.

Mate 30 Pro экрани букилиши ҳисобига ён қисмида тугмачалар мавжуд эмас. Уларнинг вазифасини сенсорли тугмачалар бажаради.

Телефон корпуслари олти хил рангда ишлаб чиқарилган: оддий кумуш ранг, яшил, бинафшаранг, қора, шунингдек сунъий чармдан ясалган яшил ва оловранг корпуслари бор. Mate 30 Pro сува ва чангдан IP68 меъёрига, Mate 30 эса IP53 меъёрига мувофиқ ҳимояланган.

Европада Mate 30нинг нархи 799 евродан, 5G сиз Mate 30 Pro 1099 евродан, 5Gлиси эса 1199 евродан бошланади.

Хитойда узоқ йиллардан буён Huawei ўзига тегишли Android-смартфонларни Google хизматисиз ишлаб чиқариб келади. Мамлакатда муқобил мобил иловалар дўкони кўп бўлиб, уларнинг аксарияти фақатгина Хитой бозорида ишлайди. Жорий йилнинг II чорак якунига кўра, Huawei Хитой смартфон бозорининг 40 фоизини эгаллади.

Шунингдек, компания яқинда келгуси беш йилда дастурий таъминот ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1,5 миллиард АҚШ долларлик сармоа киритиш ҳақида эълон қилган эди.

Z/YenGroup таҳлилий компаниясининг "Молиявий марказларнинг жаҳон индекси"га оид тадқиқоти натижасига кўра (The Global Financial Centres Index) (GFCI), иккинчи йилдирки Лондон Нью-Йоркни ортда қолдириб жаҳоннинг энг жозибали молиявий маркази мақомига эга бўлди.

ЖОЗИБАДОР МОЛИЯВИЙ МАРКАЗЛАР РЕЙТИНГИ

Рейтингнинг учинчи ўринини Гонконг, тўртинчи ўринини Сингапур, бешинчи ўринини Шанхай эгаллади. Бундан ташқари, кучли 10 талиқдан Токио, Дубай, Шэньчжэнь ва Сидней шаҳарлари жой олди. Жорий йил ўнталиқдан Торонто, Цюрих ва Франкфурт шаҳарлари чиқиб кетди. Европа пойтахтлари орасидан ўсиш суръати энг юқори бўлган шаҳар Париж деб ҳисобланди ва мазкур шаҳар рейтингнинг 17-поғонасида жойлашди ва рейтингдан 10 тага юқорилади. Тадқиқот муаллифлари башорат қилишича, Буюк Британия ЕИ таркибидан чиқиб кетгач Париж ўз ўрнини янада мустаҳкамлаб олиши мумкин.

Z/YenGroup жаҳондаги 114 та молиявий марказини рақобатбардошлигини таҳлил қилади ва рейтинг натижаларини эълон қилади. Баҳолаш бизнес муҳити, инсон капитали, инфратузилма, молиявий тармоқнинг ривожини, шунингдек, ишбилармонлик муҳити асосида амалга оширилади.

АНҚАРА 8 МИЛЛИАРДЛИК "САЛБИЙ" ҚАРЗЛАРДАН ВОЗ КЕЧИШНИ СЎРАДИ

Буларнинг асосий қисми қурилиш ва энергетика тармоғи учун ажратилган кредитлардир. Туркия мувофиқлаштирувчиси банкларга 46 миллиард лира (8,1 миллиард АҚШ доллари) лик қарзлардан йил охирига қадар воз кечиш ҳамда зарарларни қоплашга доир захирани ташкил этиш бўйича кўрсатма берди.



Reuters агентлиги маълум қилишича, Анқара бу йўл билан ўтган йилдаги валюта инқирози асоратларини бартараф этишга кескин киришган.

Биринчи навбатда, гап энг кўп зарар кўрган тармоқлар, яъни энергетика ва қурилишга ажратилган кредитлар ҳақида бормоқда. Бу эса банкларнинг умидсиз кредитлар коэффициенти 4,6 фоиздан 6,3 фоизга ўзгаришига олиб келиши мумкинлигини билдиради. Мамлакатда ўтган йили кузатилган валютали инқироз инфляция ва фоиз ставкасининг кескин ошишига, бу эса мамлакат иқтисодиётининг сустлашуви сабаб бўлди.

Ўтган йили турк лирасининг долларга нисбатан қиймати деярли 30 фоизга пасайди ва жорий йилда ҳам 7,8 фоизга арзонлашди. Иқтисодиётнинг тикланиши белгилари кўринаётган бўлса-да, асосан банклар томонидан амалга оширилаётган ҳаракатлар доирасида тахминан 20 миллиард долларлик умидсиз қарзлардан воз кечиш кўзда

тутилган бўлишига қарамай, барча режалар рад этилди ёки кечиктирилди.

Маълумотларга кўра, молия вазирлиги ушбу масалада кескин нуқтаи назарни илгари сурмоқда. BDDK ташкилоти қайд этишича, турк банклари сармоаларининг етарлилик нисбати 50 та базис пунктга пасаяди. Банкларда жорий йил нақд пуллар ҳажми ўсган бўлиб, асосий ва иккиламчи сармоа 49 миллиард лирага кўпайди.

"Ўтказилган тадқиқотга кўра, соҳа умумий ҳисобда ўзининг соғлом ва кучли таркибини сақлаб қолмоқда, сармоаянинг доимий таркиби активлар сифатига боғланган таваккалчиликни бошқаришга қодир даражадалигича қолмоқда", - дейилади баёнотда.

Банкларни тартибга солиш ва назорат қилиш агентлиги аввалроқ башорат қилганидек, сўнгги йилларда ўсиб келаётган банк тармоғида кечиктирилган қарздорлик нисбати 2019 йил якунига бориб 6 фоизга етиши мумкин.

ЕВРОХУДУДА ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛЛИГИ ПАСТ ДАРАЖАГА ТУШИБ ҚОЛДИ

IHS Markitнинг дастлабки маълумотларига кўра, маҳсулот ва хизматларга бўлган талаб кескин тушиб кетгач, сентябрь ойида еврохудудда ишбилармонлик фаоллиги ўсиш суръати деярли тўхтаб қолди.



Еврохудуддаги 19 мамлакатларнинг ишбилармонлик фаоллиги ялпи индекси августдаги 51,9 дан 50,4 пунктга тушиб қолди. Бу эса, 2013 йил июнь ойида кузатилган энг минимал кўрсаткичдир.

Натижа 50 пунктдан пастда бўлса, фаоллик сустрлашганини, юқори бўлса, кучайганини билдиради.

Маҳсулот ва хизматларга бўлган янги буюртмалар илк марта қисқарди.

Хизматлар соҳасидаги индекс август ойида 53,5 дан 52 пунктга тушиб қолди. Бу эса сўнгги саккиз ойдаги энг паст кўрсаткич демек.

Айни пайтда ишлаб чиқариш тармоғидаги вазият ҳам яхшиланмади. Индекс 47 дан 45,6 пунктга тушиб қолди. Бу эса, деярли етти йилдаги энг паст натижа ҳисобланади.

“Маҳсулотлар ишлаб чиқариш тармоғи ёмондан жуда ёмонга қараб кетмоқда, бу билан 2012 йилдаги кескин сустрлашувдан ҳам ўзиб кетмоқда, аммо бундан ҳам ёмони бундай сустрлашув хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам кузатилмоқда”, - деди IHS Markit бош ҳисобчиси Крис Уильямсон.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, савдо уруши

ва геосийсий таваккалчиликнинг кучайиб бораётгани, хусусан Brexit, шунингдек иқтисодий ўсиш ва талабнинг пасайиши билан боғлиқ башоратлар юқоридаги кўрсаткичларга таъсир кўрсатмоқда. Ҳатто худуднинг энг йирик иқтисодий давлати ҳисобланмиш Германиянинг PMI кўрсаткичи сентябрь ойида 49,1 пунктга тушиб қолди ва бу билан 2013 йилдаги кўрсаткичдан-да паст натижага эришди. Франциядаги ялпи PMI кўрсаткичи 52,9 дан 51,3 пунктга тушди.

“Сўровномага асосан, еврохудуд ЯИМ кўрсаткичи III чоракда атиги 0,1 фоиз ортади ва айни пайтда чорак якунига бориб янада нимжонлашади, - деди Уильямсон. - Тадқиқот натижалари яқин ойлarda иқтисодиёт қисқариши эҳтимоли катталигини кўрсатмоқда”.

Шу ўринда таъкидлаш лозим, ЕМБ нинг еврохудуд бўйича тайёрлаган башорати ҳам ўзгарди. Унга кўра, 2019 йил еврохудуд иқтисодиёти 1,2 фоиз эмас, балки 1,1 фоизга ўсиши мумкин. 2020 йилда ҳам аввалроқ кутилганидек, 1,4 фоиз эмас, балки 1,2 фоиз, 2021 йилда эса 1,4 фоиз ўсиш суръатига эга бўлиши тахмин қилинмоқда.

Европадаги фоиз ставкалари салбийлигича қоладиган бўлса, йирик банк ташкилотлари таназзулга учраши эҳтимоли катта.

МАНФИЙ ФОИЗ СТАВКАЛАРИ БАНКЛАРНИ КАСОДГА УЧРАТАДИМИ?

“Фикримча, банк тармоғининг даромадлилик даражаси бўйича катта муаммолар мавжуд”, - деди Economist Intelligence Unit бош иқтисодчиси Саймон Баптист CNBC канали билан қилган суҳбатида.

“Агар фоиз ставкалари нолдан паст даражада қоладиган бўлса, шубҳасиз, келаси 10 йилдан кейин даромад бугунгидек бўлмаслиги мумкин, - деди Баптист. - Ёки консолидация ҳолати эълон қилиниши лозим. Эҳтимол, айрим банклар банкротлигини эълон

қилиши мумкин ёки бизнес юритишда кескин ислохотлар амалга оширилиши керак”.

Аввалроқ хабар берилганидек, Европа марказий банки сентябрь ойидаги йиғилишида еврохудуд иқтисодиётини рағбатлантириш мақсадида депозитлар бўйича ставкаларни тушириш борасидаги режаларини маълум қилганди.

Депозитлар бўйича ставкалар 10 та базис пунктга пасайтирилиб, йиллик манфий 0,5 фоизга туширилганди.


Марказий банк депозитлар бўйича ставкаларни қўллаш бўйича икки қатламли тизимни жорий этишга қарор қилган эди.

Баптистнинг фикрига кўра, бу билан манфий ставкалардан жабрланаятган банкларни қутқаришга ҳаракат қилинмоқда, бироқ бу вазиятни тўлиқ яхшилашга ёрдам беролмайди. Сабби банклар ҳанузгача фоизли маржадан марҳум бўлишда давом этмоқда.



РОССИЯНИНГ ХАЛҚАРО ЗАХИРАДАГИ ОЛТИН ЗАХИРАСИ ОРТДИ

Халқаро олтин захирасидаги Россиянинг улуши август ойида 0,56 (12,44 тонна) фоиз ортди ва 1 сентябрь ҳолатига кўра унинг ҳажми 71,7 миллион унция (2230,12 тонна)га етди.



Марказий банки январь-июль ойларида 105,75 тонна олтин харид қилди. Шу аснода, 2019 йилнинг саккиз ойида захирага 118,19 тонна олтин келиб тушди.

Айни пайтда захирадаги олтин

қиймати август ойида 7,41 фоиз ўсди ва 1 августдаги 101,923 доллар ўрнига 109,477 АҚШ долларига етди. Халқаро олтин захирасидаги улуши 19,61 фоиздан 20,69 фоизга кўпайди.

Автомобиль ишлаб чиқарувчилар оғоҳлантиришича, Буюк Британиянинг Европа Иттифоқи таркибидан келишувсиз чиқиб кетиши соҳа ривожини учун айрим қийинчиликларни юзага келтириши мумкин.

“Битимларсиз ташкил этиладиган “Brexit” тармоққа кутилмаган талофатларни келтириб чиқариши мумкин. Рақобатбардошликка путур етади ва жиддий зарарлар кўрилишига олиб келади”, - деди Британия автомобиль ишлаб чиқарувчилари ва сотувчилари Жамияти ижрочи директори Майк Хоуз.

Бутун мамлакат бўйлаб 20 дан ортиқ савдо гуруҳлари “кескин” Brexitни бартараф этишга ундамоқда.

ЕВРОПА АВТОМОБИЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИ ОҒОҲЛАНТИРМОҚДА

Сўнгги ўн йилликда европалик автомобиль ишлаб чиқарувчилари иттифоқ бўйлаб маҳсулотларни бирор бир тўсиқсиз етказиб берувчи ягона занжирсизмон тизим яратиб бўлганди. Тўсиқларсиз савдога чек қўйиш барча оператив амалиётларни издан чиқаради. Ишлаб чиқаришда тўхтатиб қўйилган ҳар бир дақиқа ишлаб чиқарувчига тахминан 50 минг фунт стерлинг миқдорига зарар келтириши мумкин.

Агарда Буюк Британия иттифоқ таркибидан келишувларсиз чиқиб кетадиган бўлса, британиялик автомобиль ишлаб чиқарувчилар ЕИ савдо битимларида

бошқа иштирок эта олмайди ва Туркия, Жанубий Африка, Япония ва Жанубий Корея сингари 30 га яқин мамлакатлар билан тузилган имтиёзли шартномаларни бекор қилишига тўғри келади. Бундан ташқари, Бутунжаҳон савдо ташкилоти томонидан божларнинг жорий этилиши автомобиль ишлаб чиқарувчиларнинг харажатини ўртача 5,7 миллиард еврога кўпайтириши мумкин.

Бу эса, шундоқ ҳам кўплаб муаммоларга рўбарў бўлаётган соҳага кучли зарба бўлиши мумкинлигини билдиради.

Буюк Британияда автомобиль ишлаб чиқариш

ҳажми 14 ойдири кетмакет пасайиб кетди. Бу эса, 2001 йилда кузатилган энг узун даврга нисбатан ҳам энг узун оралиқ давр дегадидир. Сўнгги ойлarda автомобильга бўлган талаб тушиши кузатилди, хусусан, Европада дизелли автомобиллар савдоси ва йирик автомобиль бозорига эга Хитой аҳолисининг талаби пасайди.

SMMT берган маълумотга кўра, Буюк Британияда автомобиль соҳасига йўналтирилган сармоялар биринчи ярим йилликда Brexit туйғайли юзага келаётган хавф-хатар боис 70 фоизга камайиб кетган. Жумладан, 2019 йил биринчи ярим

йиллигида соҳага киритилган сармоялар ҳажми 2018 йилга нисбатан 90 миллион фунт стерлингга қисқарди. 2018 йилнинг мос даврида бу кўрсаткич 34,3 фунт стерлингни ташкил этган бўлса, 2017 йил биринчи ярим йиллигида ушбу қиймат 647,4 миллион фунт стерлингга етган.

Ҳатто айрим ишлаб чиқарувчилар “кескин” Brexit туйғайли Буюк Британиядан чиқиб кетишини маълум қилган.

Бинобарин, аввалроқ Япониянинг Nissan Motor Co. компанияси Brexit билан боғлиқ мавҳумликлар сабабли Сандерланддаги заводида X-Trail русумли автомобилни ишлаб чиқаришдан бош тортганди.

ТИЛИМИЗ ХАЗИНАСИДАН

ТУМАН

Мамлакатимиз туман ва шаҳар номлари ҳақида бади



Бошланиши ўтган 36-сонда

Булардан ҳеч бирор ЗАРБДОР забардаст МИРИШКОР чиқмади, олиб берган еримга пахта экиб, НАВБАҲОРда ишлаб ДЕҲҚОНБОД қилиб БЎСТОНЛИҚ яратиб ОҚОЛТИННИ уйиб ташламайсанларми, кўрганлар фалон ПАХТАЧИ ё фалон ПАХТАКОР, деб эсламайдиларми? Еримизга хассани СЎХсанг ҳам барг ёзворади-я! Утирган жойингни БЕКОБОДдай, ХЎЖАБОБДАЙ, ХОНОБОБДАЙ, МИРОБОБДАЙ, САЙХУНОБОБДАЙ, ЗАФАРБОБДАЙ обод қилиб, УЛУҒНОРДАЙ кўр тўкмайсанларми?! Майли, лекин кўрганларни куриб ДАНҒАРАТИБ тўй қилсам, қайиним СОБИРЖОН самоварга қараса, дастурхонга САМАРҚАНД нони, ЖОМБОЙНИНГ филминдиси, УРҒАНЧ ва МАНҒИТНИНГ тухумбараги, МИРЗАЧЎЛНИНГ босволдисию ШОВОТНИНГ гурваги, ИШТИХОН ва НАРПАЙНИНГ қизилдорияси ва ОЛТИАРИҚНИНГ узум, турп, бодринги, НАМАНҒАННИНГ олмасию ҚУВАНИНГ анори, ЧИНОЗНИНГ балиғи, ЖИЗЗАХНИНГ жизию ШАҲРИСАБЗНИНГ тандири тортилса, ҒУЗОРЛИК уйланмаган жайдари кўчорнинг кард думбасига ЧОРТОҚНИНГ сабзисини тўрғаб, ДЕНОВ ё БОЙСУННИНГ зиғир ёғини ишлатиб АНДИЖОННИНГ девзирасига ё ШАҲРИХОН лазерига ё ДАНҒАРАНИНГ чўнгарасига ё ҚЎШТЕПАНИНГ авангардига ош дамланса, меҳмонларга ўзим ПЕШКУ чиқиб, кутиб олиб, "МАРҲАМАТ келинг, қани ичкарига!" деб турсам улар "тўйлар МУБОРАК!" десалар қандоқ яхши... Хонандалар соз чалиб турса – ҳаҳ НАНАЙ инананай қилиб... Ана ундан кейин тўйни ўтказиб хотинни ёнимга олиб ТОШКЕНТУ ХИВАНИ, САМАРҚАНДУ БУХОРОНИ, НУРОТАУ ЗАНГИОТНИ зийрат қилсам арзийди..."

Чуқур ўйга толган бу ўйчининг, уйини бошқатдан курсаммикан деган

бу ўйчининг бошига БОҒОТдан нимадир ТОМДИ. Бу МУЗРОБОТ уйининг томидан муздай бўлиб чакка ўтганини кўриб, ювиниш кераклиги эсига тушиб ЯККАБОҒИДАГИ ОЛМАЗОР этагидаги БУЛОҚБОШИГА йўл олди. "Хотиним ухлапти шекилли, бу БЎСТОНЛИҚНИ ХОВОСИ яхши, БАҒДОДда ҳамма ёқ тинч" деди ўзига ўзи. Шунда қозонбошида қандайдир ЖОНДОРга кўзи тушди. Яқинроқ бориб қаради, кўшнининг ити қозонбошида юрибди. У дарров қўлига таёқ олиб ҚУВА кетди, етолмага итни НИШОНга олиб таёқни отди. "Бу ит бирор суякка тиқилиб ўзи БЎКА қолса яхшийди, уриб ҳаётига ЗОМИН бўлишни хоҳламайман" деди.

У қоронғуликда БУЛОҚБОШИГА келганида ёмғир томчилаб ЖАЛАҚДУҚДАЙ пуфакча ҳосил қилган, яъни ирмоғи кўпайиб МИНГБУЛОҚ бўлиб кетган сувда юзини ювди. Шу пайт бояги ит қувгандаги шовқиндан уйғониб кетган хотини термосни ушлаб "ТЕРМИЗДАГИ ЧОЙ ХАЛИ ИССИҚ ЭКАН" деб, эри учун пишириб қўйган НОРИННИ дастурхонга тортиб, бир қўлига чироқ, бир қўлига ЖОМАШЎЙ совунсочиқ олиб, ҳамма ёқни НУРОБОД қилиб БУЛОҚБОШИГА кела бошлади. БЎЗЧИ ювиниб бўлган хали туман тарқамгани учун ҚАРШИСИДАГИ ГУРЛАНДАЙ ёниб турган ўтни кўриб кўрқиб кетди. ЧИРОҚЧИГА яхшилаб қарадики ўзининг хотини! Шу пайтда унинг кўзига маҳрами гўзал кўриниб кетди, ҳатто туман ҳам унинг чиройини яширолмаган эди. Аёлининг СИРҒАЛИ қулоқларига қараркан, қоматига яраштириб кийиб олган янги куйлақдан кўзлари ҚАМАШИБ: "ГУЛБАҲОР! Бугун нима кун? ПАЙШАНБА эмасми?!" деди...

Шуқур ЖАББОР

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР, "БАНК АХБОРОТНОМАСИ" ВА "БАНКОВСКИЕ ВЕСТИ" ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Сиз газетга обуна бўлишга улгурмаган ёки қисқа муддатга обуна бўлган бўлсангиз, нашримизнинг расмий сайти – www.banknews.uz орқали шартнома тўлдириб, тахририят манзилига юборишгиз мумкин.

"Ўзбекистон почтаси" ва "Матбуот тарқатувчи" агентлигининг ҳудудий бўлимлари орқали расмийлаштириш ёки фақат тахририят билан шартнома тузган хусусий ташкилотлар билан обунани ташкил этиш йил давомида газеталаримизни ўз вақтида олишингизни кафолатлайди.

ХУСУСИЙ ОБУНА АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси

"МАТВУОТ СЕРВИС" МЧЖ – (97-358-57-57)

Хоразм вилояти

"ЛИДЕР ПРЕСС" МЧЖ – (71-244-33-63)

Бухоро вилояти

"МАТВУОТ СЕРВИС" МЧЖ – (97-358-57-57)

Жиззах вилояти

"МАТВУОТ ТОНГИ" МЧЖ – (91-599-58-98)

Навоий вилояти

"МАТВУОТ СЕРВИС" МЧЖ – (97-358-57-57)

Қашқадарё вилояти

"МАТВУОТ СЕРВИС" МЧЖ – (99-603-03-68)

Наманган вилояти

"МАТВУОТ СЕРВИС" МЧЖ – (99-603-03-68)

"МАТВУОТ СЕРВИС" МЧЖ – (90-532-93-39)

Сирдарё вилояти

"СИРДАРЁ МАТВУОТ ХИЗМАТИ" – (97-277-27-72)

Сурхондарё вилояти

"SURXON MATVUOT NASHRLARI" МЧЖ – (91-586-70-00)

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти

"KALEON INFORM" МЧЖ – (71-267-18-94)

"ЛИДЕР ПРЕСС" МЧЖ – (71-244-33-63)

"МАТВУОТ СЕРВИС" МЧЖ – (71-244-19-63)

"ТОШКЕНТ МАТВУОТ" – (97-156-22-77)

Самарқанд вилояти

"ТОШКЕНТ ЖАҲОН ЗИЁ" – (97-922-02-33)

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Банк, бизнес ва иқтисодиёт соҳаларига доир батафсил маълумотларни фақат бизнинг газетамиздан ўқиш мумкинлигини нунутманг!

Обуна бўйича муурожаат учун

Тел.:

(998) 97 776 60 18

71 234 43 18


Факс:

(998) 71-234-43-18.

E-mail:

info@banknews.uz

ОБУНА
ИНДЕКСИ-102



БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Директор
Ўқтам АБДУЛЛАЕВ

Бош муҳаррир
Бобур МУҲАММАДИЕВ

Бош муҳаррир уринбосари
Умид ХУДОЙБЕРГАНОВА

Обуна ва реклама учун

Тел: 99897 776 60 18

71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18

Нашр индекси-102.

Ахборот кўмағи
Ўза, "Norma Hamkor" МЧЖ

Тахририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси,
23-уй e-mail: bankakhborotnomasi@mail.ru,

www.banknews.uz телеграм каналимиз

@bank_akhborotnomasi

Чоп этишга тайёрловчи: "Moliya yangiliklari agentligi"

МЧЖ

Газета тахририятининг техник ускуналариди
саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси" да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилди. Қўлёзмалар такрар қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба кuni чиқади.

Буюртма № Ғ 903
Адади 1694 нуска

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 3 шартли босма табоқда чоп этилди.
Босишга рухсат этилди: 25.09.2019 й.,

1 2 3 4 Ғ

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.